

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан кўплаб ватандошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.



30 август куни Кўксаройда ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев йиғилганларни, аввало, Мустақиллик байрами билан табриклаб, уларга ўзининг юксак эътиромини билдирди.

— Бундай тарихий давларда ҳар бир халқ ўз истиқлолини сарҳисоб қилади. Ўтган 30 йилда мустақил давлатимиз

қурилди, ривожланди, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизнинг ўрнимизни, йўлимизни топдик. Бугунги кунда ҳамма соҳа ва тармоқлардаги интилишларимиз, ҳар бир маҳаллага, қишлоққа, оилга қириб боришимиз ўз натижасини беряпти, одамлар рози бўляпти, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан, ҳар бир жабҳада ўзгаришлар юз бермоқда. “Янги Ўзбекистон” деган тушунча реал воқеликка айланмоқда. Ўзбекистон халқаро ҳамжамият томонидан пандемия шароитида иқтисодий ўсишга эришган санокли давлатлар қаторида эътироф этилмоқда. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Беш муҳим ташаббус”, “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажагимиз” сингари йирик дастур-

лар жамиятимизда ижтимоий муҳитни тубдан ўзгартирмоқда.

Президент истиқлол йилларида мустақил фикрли, замонавий дунёқарашли янги авлод вояга етганини, улар давлатимизнинг таянчи ва келажаги эканини таъкидлади.

— Мустақиллигимизнинг биринчи йилида туғилган ёшлар 30 ёшга кирди, балоғатга етди. Биз биринчи кундан ёшлар масаласини энг катта вазифа қилиб олганмиз. Агар бугунги шиддатли дунёда ёшларимиз тарбиясига катта эътибор қаратиб, уларга билим, кўмак бериб, ҳозирги замонга муносиб қилиб, йўлини топиб бермасак, кўп нарсадан орқада қолиб кетамиз. Бугун жойларда ишлаётган, ўқиётган, замонавий мутахассис бўлиб етишаётган ана шундай жўшқин ёшларимиз давлатимизга жуда катта куч-қудрат, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, кейинги икки йил инсоният тарихида қутилмаган оғир давр бўлди. Халқимиз хурсандчилик кунлар билан бирга, машаққатли синовларни ҳам бошидан кечирди. Коронавирус офати бутун дунёни ташвишга солиб, жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Дунё бозорларида шафқатсиз рақобат, “савдо урушлари”, бизга қўшни ҳудудларда қарама-қаршилиқ ва тўқнашувлар кўчйиб бормоқда.

— Бугунги мураккаб шароитда халқимиз саломатлигини асраш билан бирга, иқтисодиётимизни ҳам ривожлантиришдек оғир масала кун тартибидеда турибди. Шу мақсадда иқтисодиёт тармоқларини, боғбону деҳқонлар, фермер ва тадбиркорларимизни қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун янги-янги йўللарни излаяпмиз. Мана шундай ўта мураккаб, қалтис вазиятда биз халқимизнинг мустаҳкам иродаси, сизлар каби юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати билан қийинчиликларни мардона энгиб ўтмоқдамиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган илғор фермер, селекционер олим Мухаммад Аҳмедовни, математик олим, академик Шавкат Аюповни, атоқли адабиётшунос, таржимон ва публицист

Иброҳим Фафуровни, халқ артисти Муножат Йўлчиёвни алоҳида табриклади.

Фидойи шиофкорларимиз ўз жонини хавф остига қўйиб, халқимиз саломатлиги учун ҳар кун, ҳар дақиқада курашмоқда. Мард ва жасур ҳарбийларимиз тинчлик-осойишталик йўлида садоқат билан хизмат қилмоқда. Омилкор тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар, ишчи-муҳандислар мамлакатимиз таракқиётига катта ҳисса қўшмоқда.

Илм-фан, таълим-тарбия, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаси вакиллари катта муваффақиятларга эришмоқда. Навқирон ёшларимиз халқимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиқмоқда.

Президентимиз уларни юксак мукофотлар билан қутлаб, эзгу тилаklarини изҳор этди.

Шу кунларда жойларда кўплаб ватандошларимиз “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишонини қабул қилиб олмоқда. Давлатимиз раҳбари уларни ҳам халқимиз номидан самимий табриклади.

Шундан сўнг мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Бу йил ана бир хайрли ишга қўл урилди. Президентимиз Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум иҳодкорлар мукофотланди. Маросимда бу мукофотлар уларнинг оила аъзоларига топширилди.

— Кўксингизда ярқираб, ярашиб турган фахрий унвонлар, орден ва медаллар барчангизга муборак бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев. — Мен ҳаммангизни яхши биламан, сизлар билан фахрланаман. Қадамларимиз баракали, натижали бўлиши учун ҳали қўш ишлашимиз керак. Ўзи, инсон учун энг катта бахт — оилавий бахт, яқинларимиз соғсаломат, юртимиз тинч-осойишта бўлиши. Илоҳим, ҳаммангизга шундай бахт насиб этсин. Ҳар бир оилада хотиржамлик, тўйлар бўлсин!

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 август куни қатор хорижий давлатлар етакчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Жумладан, Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**, Абу-Даби Амирлиги валиҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуроли Кучлари Олий бош қўмондонни ўринбосари **Мухаммад Ол Наҳаён**, Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**, Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**, Франция Республикаси Президенти **Эммануэль Макрон**, Германия Федерал Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер** билан сўхбатлар бўлиб ўтди.

Улар давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан дилдан қутлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилаklarини изҳор этдилар. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва демократик янгиланишларнинг янги дастурини амалга оширишдаги ютуқлар, юртимизнинг мустаҳкамланиб бораётган халқаро нуфузи алоҳида қайд этилди.

Икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий шериклик масалалари муҳокама қилинди.

Тожикистон Президенти **Эмомали Раҳмон** билан сўхбатда жорий йил 10-11 июнь кунлари Тожикистонга олий даражали ташриф якунлари бўйича қабул қилинган келишув ва битимларнинг амалга оширилиши қўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик доирасидаги қўшма кооперация лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш муҳим экани таъкидланди.

Президентлар Афғонистонда ҳарбий-сиёсий кескинлик кучайиши билан боғлиқ минтақавий масалаларга алоҳида тўхталдилар. Ўзаро мувофиқлашувни кучайтириш ва яқин идоралараро алоқаларни давом эттиришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, етакчилар жорий йил сентябрь ойида Душанбе шаҳрида ўтказиладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитига тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама қилдилар.

Абу Даби Амирлиги валиҳди **Мухаммад Ол Наҳаён** билан мулоқотда 2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликлари олий даражадаги ташрифда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасидаги ишларнинг амалий натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Кунли кеча “Masdar” компанияси билан биргаликда Ўзбекистонда қуввати 100 мегаваттлик илк кўёш фотозлектр станцияси ишга туширилди. Бундан ташқари, энергетика тармоғида яна олти та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Турли тармоқларда умумий қиймати 5 миллиард долларлик 15 та инвестиция лойиҳасини илгари суриш ишлари олиб боришмоқда.

Бошқарув соҳасида кадрлар, харборот

технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш борасида қатор муҳим дастурлар, гуманитар алмашинув лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Афғонистондаги вазият ривожланиши юзасидан фикр алмашилди. Минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича фаол мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Беларусь Президенти **Александр Лукашенко**ни таваллуд кун билан дилдан қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар тилади.

Кўп қиррали Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш кўрсаткичлари юқори суръат билан ортиб бораётгани, икки мамлакат етакчи корхона ва компаниялари, таълим муассасалари ўртасида муваффақиятли кооперация амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси, шу жумладан, Беларусь томони раислигидаги МДХ саммитига тайёргарлик кўриш масалалари қўриб чиқилди.

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров** билан мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги янги қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида аниқ кооперация лойиҳаларини, шунингдек, туризм ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш мақсадида ҳукуматлар даражасидаги яқин ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани қайд этилди.

Президентлар, шунингдек, минтақа кун тартибидедаги, шу жумладан, қўшни Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Франция Президенти **Эммануэль Макрон** билан сўхбатда Ўзбекистон — Франция муносабатларининг амалий жиҳатлари қўриб чиқилди, хусусан, 2018 йил октябрь ойида Париж шаҳридаги саммитда эришилган келишувларга мувофиқ “йўл хариталари”нинг бажарилиши муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Франциянинг етакчи компаниялари иштирокида қазиб чиқариш, энергетика, саноат, транспорт ва коммуникациялар соҳалари, коммунал хўжаликни модернизация қилиш, туризм кластерларида ривожлантириш ва бошқа йўналишларда устувор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Франция тараққиёт агентлиги билан моливий-техник ҳамкорлик бўйича узоқ муддатли дастур қабул қилинган.

Биргаликдаги ташаббусларни илгари суриш мақсадида жорий йил май ойида Тошкент шаҳрида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва Франция ишбилармонларининг нуфузли делегацияси иштирокида бизнес форуми ўтказилди.

Бир қатор қўшма маданий тадбирларни юксак даражада ўтказиш, шу жумладан, келгуси йилнинг биринчи ярмида Лувр музейида мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий меросига бағишланган кўргазма ташкил этишга келишиб олинди.

Президентлар Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий аҳволнинг кескинлашиши таъсирида минтақадаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан фикр алмашдилар. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш ва алмашинувларни фавқулодда муҳим экани таъкидланди.

Германия Федерал Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер** кейинги йилларда юртимизда демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда катта муваффақиятларга эришилаётганини алоҳида қайд этди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотнинг давоми сифатида икки томонлама ҳамкорлик масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди. Кўп қиррали муносабатларнинг бугунги даражасига юксак баҳо берилиб, истиқболдаги

Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш, ишбилармонлик ташаббусларини, Германиянинг “Siemens”, “Bosch”, “Man”, “Claus”, “Knauf” ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари иштирокида юқори технология тармоқлардаги саноат кооперацияси лойиҳалари ва инфратузилмани модернизация қилиш дастурларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар мамлакатимиз мактаблари ва олий таълим муассасаларида немис тилини чуқур ўрганиш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Ўзаро гуманитар алмашинувларни бундан буён ҳам фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Федерал Президентга республикаимизда корона-вирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда кўрсатилган техник-маслаҳат кўмаги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди. Франк-Вальтер Штайнмайер фуқароларнинг Ўзбекистон орқали транзит йўли билан эвакуация қилинишида кўрсатилган катта ёрдам учун яна бир бор ташақкур изҳор этди. Биргаликдаги инсондорварлик операцияларини амалга ошириш учун яқин алоқаларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХАН ҚИСҚА ДАВРДА КАТТА ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТДИ

Бунда Президентимизнинг сиёсий иродаси ва эзгу ташаббуслари асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Эртага жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик шодиёнасини кенг нишонлаймиз. Бу давр юртимиз учун юксалиш ва тараққиётга эришиш йиллари бўлди. Янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишлар амалга оширилди, халқимиз салоҳияти билан катта марралар забт этилди. Бу Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” сарлавҳали интервьусида кенг таҳлил қилиб берилган. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида барча соҳа, жумладан, парламентаризм йўналишида улкан ютуқ ва натижаларга эришдик, буни нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этиб келмоқда.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоевнинг “Халқ сўзи” таҳририяти саволларига жавоблари айнан шу мавзуга бағишланди.

Долзарб мавзу

— Хўш, ўтган давр мобайнида мустақил давлат сифатида шаклланишимиз ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизнинг муносиб ўрнимизни

эгаллашимизга қайси омилар сабаб бўлди?

— Дастлаб давлатимиз раҳбарининг таъкидлаб ўтилган интервьусига тўхтал-

моқчиман. Унда айтилганидек, мустақил мамлакатимизда Асосий Қонунимиз қабул қилиниб, конституциявий тузумга асос солинди. Шу тарихи давлат ҳокимиятининг учта тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мустаҳкам қарор топди. Шуларга мос ҳолда давлат суверенитети, сарҳадимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти ва миллий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қила оладиган ўз армиямизга эга бўлдик. Миллий валютамиз — сўм жорий этилди ва олтин-валюта захиралари шакллантирилди. Шу билан бирга, бой тарихимиз ва маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлигимизни тикладик.

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

ИСТИҚЛОЛ КУРАШЧИЛАРИ ХОТИРАСИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишида қатагон қурбонларини вилоят, туман ва шаҳарлар кесимида номма-ном аниқлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш, истибод қурбони бўлган юртдошларимизнинг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларини чуқур билладиган кишиларнинг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий материалларни, ноёб суратларни тўплашдек улугвор вазифалар белгилаб берилди.

Бу борадаги ишлар аҳоли, айниқса, ёш авлодни мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидойи ота-боболаримизнинг хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Белгиланган вазифаларни бажаришда

Андижон давлат университети тузилмасидаги “Қатагон қурбонлари хотираси музейи”да муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, икки қисмдан иборат “Қатагон қурбонлари хотири китоби” Андижон вилояти (1865 — 1991 йиллар)”

яратилди. 2016 йилдан буён “Водийнома” (тарихий мерос) ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнали нашр этилмоқда.

Зотан, Ўзбекистонда совет режими томонидан амалга оширилган қатагон сиёсатининг чиркин манзараларини, фожиали оқибатларини очиб бериш юртдошларимизнинг бугунги фаровон кунлар қадрини янада чуқур англашида, истиқлолнинг аҳамиятини теран ҳис қилишида муҳимдир.

Мақолада қатагонга учраган Ўзбекистоннинг давлат ва ҳукумат аъзоларидан бир гуруҳи ҳақида сўз юритамиз.

ИСТИҚЛОЛ КУРАШЧИЛАРИ ХОТИРАСИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети котиби лавозимида хизмат қилган Сулаймон Азимов 1941 йил 20 октябрда, унинг шериклари сифатида Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғининг sobиқ муовини Сотти Хусайнов 31 октябрда, “Қизил Ўзбекистон” газетаси тахририятининг sobиқ раҳбари Тўхтасин Жалолов 5 июлда, шу газетанинг адабий ходими Юнус Латифов 8 августда, “Муштум” журнали адабий ходими Фафур Расулов 23 июлда, “Еш куч” журнали тахририяти котиби Омил Одилов 4 июлда, ўрта мактаб ўқув бўлими mudири Обид Хошимов 11 сентябрда, шунингдек, “Тарoқчи” (ёки “Даракчи”) артели oшпази Соли полвон Иминов 10 сентябрда хибсга oлинган.

Уларнинг тақдирини очиб беришда ўзлари томонидан турли идораларга ёзилган хатлар муҳим ўрин тутадди. Масалан, қамoққа oлинганлардан Сотти Хусайнов 1938 йил 12 августда ВКП(б) Марказий Комитети секретари И. В. Сталинга, нуҳаси СССР Ички ишлар халқ комиссари Н. И. Ековга йўллаган хатида қўйидаги фикрларни баён этади:

“Шу йилнинг 11 августидан мен НКВД 3-бўлими бошлиғи Илья Петрович Лисициннинг уйига Усмон Юсупов тўғрисидаги Лисицин сўраган ва Сизга юборганидангидек мазмундаги маълумотини олиб бордим. Уртоқ Лисицинга бу ёқмади ва менга: “Мен сиздан бoшқа нарсани, янада қулироқ маълумотни кутган эдим. Ахир Юсуповда ҳеч қандай кураш бўлмаган. Унинг ўзи активда ва VII съезде Икромовга қарши ҳеч қачон кураш олиб бoрмаганлигини айтган. Сизга маълумки, Икромов, Хўжаевнинг кўрсатмаларида улар бир ташкилотда бўлганиларини айтган, улар ўзaro душманилик қилганиларни ҳақида гаплар ҳам бўлган. Мен Сизни оғохлантириб қўй, кейин аҳолининг ёмон бўлиши мумкин. Сиз яширмоқдасиз, ҳамма билганингизни айтмаясиз” ва ҳоказо деди.

Ганнинг қисқаси, у мендан Юсупов, Йўлдошев ҳамда Икромов ҳамфикр инсонлар, ҳаттоки бир ташкилотнинг аъзоси бўлган, деб ёзиб беришини хоҳлаган эди. Бу мени ранжитди. Мен буни кескин рад этдим. Унга айтдимки, “Юсуповнинг қўп камчиликлари ва хатоларини биламан, яна биламанки, у Икромовга қарши яхши кураш олиб бoрмаган ва сўнгги йилларда курашини тўхтатиб қўйган эди. Аммо мен унинг яхши фазилатлари ҳақида ҳам кўп нарсаларни биламан, шуларни айтман ва ҳозир ҳам ёзаман”. Шундан кейин Лисицин овозини пастроқ тўширди ва Юсупов ҳақида яна бир бор янада қаттиқроқ ёзишни таклиф қилди. Шу тариқа, мендан бир мавзуда бир неча бор ёзишга мажбурлаб, мени ўз сўзларимдан тўтиб олиш ва шу орқали Усмон Юсупов ҳақида уларнинг ёлгон фикрларини тасдиқлашга мажбур қилмоқчи бўлди”.

1941 йил 24 ноябрда ЎзССР НКВД контрразведка бўлими катта терговчиси Сухолозов хибсга oлинган Сотти Хусайновни аксилинқилoбий, миллатчилик ташкилотининг аъзоси сифатида сўроқ қилди. Қабул қилинган қарорда терговда ивгогарона, тухматона хулқи, кўрсатман беришдан бош тортигани, қўлопчилигичун Сотти Хусайнов 10 кун муддатга қарцер қамoғига ҳукм қилинган. Сотти Хусайнов 1941 йил

25 ноябрдан 5 декабргача қарцер қамoғида сақланган.

Маҳбус Юнус Латифов ҳам 1941 йил 27 ноябрда қарцер қамoғига 10 кун муддатга ҳукм қилинган. Юнус Латифов терговда шундай кўрсатма берган: “...1939 йил августдаги сўхбатларимизнинг бирда Азимов менга шундай деган: “Шарқ халқлари — Туркия, Эрон, Афғонистон мустақил яшамoқдалар ва ўз тақдирини ўзлари белгиламоқдалар. Худди шундай ҳолат Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Ўзбекистонда шундай машҳур кишилар борки, улар халқ манфаатини борки нарсадан устун қўяди. Қори Ниёзовни, Мухаммаджон Йўлдошевни, Сотти Хусайновни, Воҳид Зоҳидовни, мени ва бошқаларни олайлик, ахир биз халқимизнинг овоз ва фаровон бўлиши учун курашмаслигимиз керакми?”

Красноярск ўлкасининг Долго-Мостовский районидаги Покровка қишлоғида яшаган маҳбус Обиджон Хошимов 1954 йил 15 апрелда СССР Бош прокурори Р. А. Руденкога ариза билан мурожаат қилган. Аризавда ўзининг 1941 йил сентябрда Сталинобод облатининг Шахринов районида қамoққа олиниб, Тошкент шахрига келтирилгани, тергов Тошкент билан бошлангани, Махсус кенгаш қарори билан 1942 йил августда ЎзССР Жиноят кодексининг 58, 66, 67-моддалари бўйича 8 йил меҳнат лагерига ҳукм қилингани, қарорнинг айблов қисмида советларга қарши ташкилотда иштирок этгани учун 8 йил қамoққа ҳукм қилингани қайд этилган. Аслида ўзига қўйилган айблов ҳақиқатга тўғри келмаслиги, бу терговчи томонидан ўйлаб топилгани, ўзининг бир маҳбуснинг ёлгон кўрсатмаси асосида қамoққа oлингани, терговда совет давлати олдида айбдорлигини тасдиқловчи далилларнинг йўқлигини баён қилган. У қандайдир аксилинқилoбий ташкилотга мансуб эканлигини таъминла инкор этган. Аммо терговчининг гайриқонуний хатти-ҳаракати, қўрқитишларидан кейин гарчи айбдор бўлмаса ҳам ўзининг айбдорлиги тўғрисидаги ҳужжатга қўл қўйишга мажбур қилинганини ёзган.

Юқорида келтирилган ҳужжат ва материалларда советларнинг қатогон сибасати Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам давом этгани ва бу муҳдиш сибасат гирдобига Ўзбекистоннинг қўлаб зиёлилари тортилгани ўз аксини топади. Сталин вафотидан кейин ноҳақ қатогон қилинганларни реабилитация қилиш жараёни бошланди. 1953 йил 27 мартда КПСС Марказий Комитети Президиуми “Амнистия тўғрисида”ги қарорни қабул қилди.

СССР Бош прокурори Р. А. Руденко 1954 йил 19 ноябрда КПСС Марказий Комитетига хат йўллаб, Сулаймон Азимов ва бошқаларнинг ишини қайта қўриб чиқишни таклиф этади. Бу хат 2000 — 2003 йилларда Москвада нашр этилган “Реабилитация: как это было?” номи икки қисмдан иборат ҳужжат ва материаллар тўпламидан ўрин олган. Тўпламининг биринчи қисмида келтирилган “СССР Бош прокурори Р. А. Руденконинг КПСС Марказий Комитетига С. Азимов ва бошқаларнинг ишини қайта қўриб чиқиш бўйича ёзган хати”ни айнан ўзбек тилида келтиришни лозим топдик.

“Аксилинқилoбий жиноятларда айбланиб судланган шахсларга нисбатан жинoий ишларни қайта қўриб чиқиш бўйича 1954 йил

15 ноябрда Марказий комиссия Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг собиқ котиби Сулаймон Азимов ва бошқаларнинг айблови бўйича жинoий ишни қайта қўриб чиқди ва жинoят далиллари йўқлиги сабабли иш тўхтатилди.

Мазкур иш бўйича Азимовдан ташқари, Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғининг sobиқ муовини Сотти Хусайнов, “Қизил Ўзбекистон” газетаси тахририятининг sobиқ раҳбари Тўхтасин Жалолов, шу газетанинг адабий ходими Юнус Латифов, “Муштум” журнали адабий ходими Фафур Расулов, “Еш куч” журнали тахририяти котиби Омил Одилов, ўрта мактаб ўқув бўлими mudири Обид Хошимов, шунингдек, “Тарoқчи” (ёки “Даракчи”) артели oшпази Соли Иминов ҳам хибсга oлинган эди.

Аксилинқилoбий жинoятларни содир этганликда айбланган С. Азимов ва бошқаларга нисбатан айбдорлик далиллари умуман бўлмагани ҳолда 1941 йилда Ўзбекистон ССР ички ишлар sobиқ халқ комиссари Амак Қoбулов томонидан жинoий иш қўзғатилганлиги аниқланди.

А. Қoбулов хибсга oлинган шахсларга нисбатан қалтаклаш ва қийноқ усулларини қўллаганидан сўнг, айбланувчи Жалолов, гўёки Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети котиби Азимов томонидан тузилган миллатчи исёнчи ташкилотга аъзо бўлгани ва унинг буйруғи бўйича Иминов ва Хошимовни ушбу ташкилотга жалб қилгани ҳақида гувоҳлик берди.

Аксилинқилoбий ташкилотга аъзо бўлган ҳoлларлар ҳақида Жалоловнинг гувоҳлик беришича, гўёки 1940 йилнинг февраль ва июнь ойларида Азимов билан учрашган пайтларида унинг аксилинқилoбий фаолияти ҳақида билли олган.

Бундан ташқари, Тўхтасин Жалоловнинг гувоҳлик беришича, 1941 йилнинг сентябрда шаҳарда айланиб юриб, тасодифан Азимовнинг хонадонига бориб қолган, ўша пайтда профессор Қори Ниёзов (ўшанда ЎзССР Халқ комиссарлари Кенгаши раиси муовини) ва Йўлдошев (Тошкент вилояти партия комитетининг sobиқ котиби) иштирокида “антисовет йигини” бўлаётган эди.

Азимов гўёки Жалоловни тингловчиларга “ўзимизнинг одам” деб таништирган, шундан сўнг улар антисовет ҳаракатини фаоллаштириш усулларини муҳоама қилишга қаришдишди.

Жалолов кўрсатмаларининг асосидалиги аниқ эди, чунки у 1940 йилда Тошкентда Азимов билан аксилинқилoбий сўхбатлар ўтказмаган, сабаби автохалокатга учраб, оғир жароҳат олган Азимов Сочи шаҳрида даволанаётган эди. Жинoий усуллар билан oлинган ушбу тергов кўрсатмалари Азимов ва бошқаларни

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда матбуотга берган интервьюсида мана бу тўлқинли сатрларни ўқиймиз: “Афсуски, юртимизда болъшевиклар диктатураси ўрнатилгани, чор мустамлакачилик сибасати янгича шаклда давом эттирилгани маърифатпарвар болoларимизга ўз мақсад-муддаоларини тўлиқ амалга ошириш имкони бeрмади. Лекин уларнинг эзгу орзунтиллари халқимизнинг қон-қонида, тарихий хотирасида сақланиб қолди ва хануз яшамoқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз”.

ларни хибсга олиш ҳамда уларга нисбатан репрессиялар қўллаш учун баҳона бўлиб хизмат қилди.

Хибсга oлинганларни қалтаклашда шахсан иштирок этган А. Қoбулов уларни аксилинқилoбий жинoятларни тан олишга мажбур қилди, шундан сўнг иш СССР НКВД ҳузуридаги махсус йиғилишга юборилди.

Ишни тергов қилиш қонунини қўпол равишда бузган ҳолда олиб борилди. Шундай қилиб, иш бўйича айблов хулосаси 1942 йил 24 июнда тузилган ва тергов яқуни айбланувчиларга фақат 1942 йил 1-2 июлда эълон қилинган.

1942 йил 11-12 август қўнлари ушбу хибсга oлинганларга ҳеч қандай асосиоз Совет ҳoқимиятига қарши қуролли исён тайёрлашда қўшимча айблов эълон қилинди.

1942 йил 12 августда, мазкур иш юзасидан Москвада махсус йиғилиш ўтказилди. Унга қўра Хусайнов ва Латифов ўлим жазоси — отувга, Азимов ва Жалоловнинг ҳар бири 10 йиллик қамoқ жазосига, қолганлари эса турли муддатларга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган.

Бу қарор асосида Хусайнов ва Латифов отиб ташланди, айбланувчи Расулов лагерда эканлигида вафот этди, қолган айбланувчилар эса ўз ҳазoларини ўтаб бўлгач, сургунга жўнатилиди.

Аксилинқилoбий жинoятларда айбланган шахсларга нисбатан жинoий ишларни қўриб чиқиш бўйича Марказий комиссия томонидан Хусайнов, Латифов ва Расулов ўлимидан кейин реабилитация қилинди, қолган маҳкумларга нисбатан эса уларни сургундан озод қилиш тўғрисида буйруқ берилиди.

Мазкур ишни сохталаштиришда асосий айбдор бўлган халқ душмани А. Қoбулов ушбу хоинлик фаолияти учун СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси томонидан олий жазо — отувга ҳукм қилинди”.

Юқорида биринчи бор илмий истеъмолга киритилаётган ҳужжат ва материаллар орқали Ўзбекистон тарихининг ўтган аср 30 — 50 йиллардаги ҳасрат ва надоматлар билан тўлиб тошган оғриқли, аламли, армонли ҳаётидан айрим лавҳалар келтирилди. Ўша мустабид совет даври, қаттол жамиятда амалга оширилган даҳшатли ва қонли қатогонлар, уларнинг муҳдиш фожиали оқибатлари ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди учун хулоса қилишга аргизғулқидир.

Буюк истиқлол йўлида шахид кетган қатогон қурбонларининг ҳаёт йўли, тақдирини, изтироғи, улар ҳақидаги хотиралар ҳар биримиз учун муқаддасдир. Уларнинг сиймоси авлодлар қалбида ҳамиша сақланажак.

Рустам ШАМСУТДИНОВ, Андижон давлат университети тузилмасидagi «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи директори, Дилшоҳ ХОМИДОВ, музей экскурсоводи, таянч докторант, Шаҳбoз ХОЖИЕВ, музей илмий хoдими.

Рағбат

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИ

Иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, илмий ва инновацион фаолиятдаги ютуқларини рағбатлантириб бориш уларни илм-фанга кенг жалб этишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирлиғи ҳамда Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улугбек” жамғармаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган “Янги Ўзбекистоннинг истеъдoли ёшлари” номили йилнинг энг яхши мақоласи танлови бу бoрадаги муҳим лoйиҳалардан бири.

Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирлигида мазкур танловнинг жорий йилги гоилибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан илм-фанга, хусусан, олий таълим соҳасига юксак эътибор қаратилаётгани, ёшларга ўз иқтидор ва салоҳиятини на-моён этиши учун барча шарт-шaroит ва имкониятлар яратиб бeрилаётгани таъкидланди.

“Янги Ўзбекистоннинг истеъдoли ёшлари” номили йилнинг энг яхши мақоласи танлови талаба-ёшларни рағбатлантириш, илмий фаолиятга қизиқишларини янада ошириш, қобилиятларини юзага чиқаришда айнаи му-даo бўлмоқда. Унда иштирок этиш истагида бўлганлар йил-дан-йилга ортиб бoрапти. Илк бор уoштирилган 2019 йилдаги танловга 300 дан ортиқ мако-лалар тақдим этилган ва шун-дан 39 нафар муаллиф гоилиб деб топилиб, уларнинг мако-ларидан иборат 1-китoб чoп этилганди.

Утган йилги танловга 350 дан ортиқ ижодий ишлар келиб ту-шди ва гоилиб топилган 44 нафар муаллифининг мақоласи иккин-чи марта китoб ҳoлида нашр қилинди.

Айтиш керакки, жорий йилда танловга 400 дан ортиқ илмий ижодий ишлар топширилди. Мазкур материаллар йўналиш-лар бўйича турлилар экспертлар томонидан ўрганилиб, энг яхши деб эътироф этилган 29 нафар муаллифининг мақоласи “Янги Ўзбекистоннинг истеъдoли ёшлари” номи 3-тўпладан жoй олди.

Мамлакатимиз мустақилли-гининг 30 йиллигига бағишлаб нашр этилган ушбу китoбни му-толаа қилган киши нафақат рес-публикамиздаги олий ўқув му-ассасаларининг магистратура, бакалаврият бoсқичларида таъ-лим олаётган истеъдoли ёшларнинг, балки таниқли илм-фан соҳаси намояндаларининг



илмий-оммабоп мақолалари билан ҳам танишиши мумкин.

Тўпламга киритилган матери-аллар янги инновацион гоялар ва илмий ишланмаларни жам-иятимиз ҳаётининг турли соҳа-ларига таътиб этишга қаратил-ган билан эътиборга молиқдир.

— Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига жалб қили-ниши уларнинг олаётган назар-ий билимларини амалиёт билан боғлаш имкони бeради, — дейди олий ва ўрта махсус таълим ва-зирини, профессор Абдуқўри Тошқулoв. — Талаба олий таълим муассасасига кeл-ган дастлабки кунларданoқ мав-жуд ҳаётий масалалар билан та-нишиш бoрса, таълим олий жа-раёнида кўпроқ муаммоларнинг ечими билан қизиқади, ҳар бир ўқиган адабиёт саҳифаларидан ўзи қизиққан маълумотларни чу-қурроқ ўзлаштиришга интилади.

Кўпроқ адабиётлар ва манба-лар билан танишишга ҳаракат қилади. “Янги Ўзбекистоннинг истеъдoли ёшлари” номили йил-нинг энг яхши мақоласи танло-ви ва унинг натижаси ўларoқ чoп этилаётган тўплам ҳам ёшла-римизни айнаи шу жиҳатдан фoал бўлишга ундамоқда. Шунингдек, фаннинг турли йўналишларида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган қобилиятли йи-гит-қизларни рағбатлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбирда танлов гоилиблари махсус диплом, пул мукофоти ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Дилшоҳ КАРИМОВ «Халқ сўзи».

ҲАР ҚАНДАЙ ТАРАҚҚИЁТ БУНЁДҚОРЛИК, ЭРКИНЛИК ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКСИЗ ЮЗ БЕРМАЙДИ

Президентимиз матбуотга берган интервьюсида ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечаётганини, шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзарo уйғун ва ҳамoҳанг бўлиб янграётганини, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантираётганини алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан президентлик фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш масаласи қўйилганидан кейин оммавий ахборот воситаларида бу мавзуга катта эътибор қаратилганини қайд этиш жоиз. Бу жуда ўринли ҳол. Бироқ масала шундаки, баъзи журналистлар ва маънавият тарғиботчилари, ҳатто “Бизда учинчи Ренессанс бошланди”, дейишгача бормoқда. Бу эса масаладан анча-мунча хабардор олимларда ҳаққоний эътироз уйғoтмоқда.

“Ислom Ренессанси” тушунчаси Адам Мец китoби номи билан кириб келди. Рус тилига китoб “Муслъманский Ренессанс” деб ўқилирган. Мецнинг ўзи “Ислom Ренессанси” тушунчасини қўллаган. Аммо китoбининг нашр этишга улгурмай, оламдан ўтган. Муаллиф нега ислomга нисбатан Ренессансчи қўллаганини, унга қандай мазмун юклаганини ҳеч ким аниқ билмайди.

Нуктаи назар

Адам Мецнинг китoби нашр этилгач, та-бикини, унга турли даврларда қўлаб тақ-ризлар бoсилган. Уларнинг барчаси асар-ни жуда юксак баҳолаган ҳoлда, унинг ном-ланиши тўғрисида ҳар хил фикрлар, тах-минлар айтиб, баъзан эътирозлар билдир-ган. Эътирозлар мазмунини қуйидагича:

Биринчидан, Ренессанс Европа ма-даниятида, асосан, XV — XV асрларда со-дир бўлган юксалишга нисбатан, яъни аниқ минтақада юз берган аниқ тарихий ижти-моий-маданий ҳодисага нисбатан қўла-нилади. Уни бошқа минтақаларга ёйиш ил-мий чалқашликларга олиб келади.

Иккинчидан, Европа учун мазкур жа-раён ҳақиқатан Ренессанс, қайта тикла-ниш, Уйғониш эди — ўрта асрларда унут-илиб, зулмлатда, забунда қолган аниқ ма-даният ва унинг гуманистик гоёси қайта тикланиб, ривожлантирилиб, кейинги тара-ққиётга — Маърифатпарварликка олиб кeл-ди. Ислom оламиди юксалиш, қайта тикла-ниш туфайли эмас, янгитдан яратилиш асо-сида эс берди.

Учинчидан, Адам Мец атамасига қаттиқ эътироз билдирмади, олим нега уни қўллаганини таҳмин қилганлар ислom Ре-нессанси ҳам аниқ маданиятни, айнқиса, антик давр илм-фанини — Аристотель, Платон, Эвклид, Птолемей ва бошқалар асарларини таржима қилиб, ижодий ривож-лантириш орқали бошланганини эътироф этади.

Баҳслар қўлаб. Уларим олимлар А. Мец ислomгача яшаб улгурган жанубий араб маданияти тикланиб, ислom уйғонишига сабаб бўлганини назарда тутган дeса, эътирозчилар ислom Ренессансига жану-бий араб маданиятига нисбатан Эрон ва Ўрта Осиё маданияти кўпроқ таъсир кўрсат-ганини, бинобарин, “Ислom Ренессанси” тушунчаси уначали ўринли эмаслигини қайд этади. Улар Ўрта Осиё ва Эрон ҳам ислom оламига мансублигини эсдан чиқариб, ислom Ренессанси деганда, фақат араб дунёсидаги жараёнларни назарда тутадди.

Н. Конрад Ренессанс фақат европача ҳодиса эмас, балки умуминсоний ҳодиса

эканлиги, қадимий маданиятга эга халқ-ларда Ренессанс у ёки бу кўринишда юз берганини таъкидлайди. Ренессанс тўғри-сидаги баҳсларда совет олимлари ҳам юқориди келтирилган турли қарашларга му-вофиқ ўзарo бўлинадди.

Бутун айрим касбдошларимизнинг “биз-да ўзи аввал Ренессанс бўлганини, унинг фалсафий-эътиқодий ва оммавий-инсоний асослари бoрми?” деган идлоплари илмий далилларга эга эмас, скепсис (шубҳа) маз-мундаги фикрди. Бундай фикрлар қўриқ уларнинг қўлига қайси позицияга мансуб муаллифларнинг асарлари ёки мақолалари тушиб қолгани билан белгиланади. IX — XII ва XIV — XV асрларда жамият ҳаёти, аҳолининг маданий савияси ва эҳти-ёллари, саводонлик даражаси, шубҳасиз, анча паст эди. Оммавий инсоний асослар Европа Уйғонишида ҳам кенг бўлмаган. Саводонлиқ даражаси биздан юқори эмас эди. Айрим файласуф ва маданиятшунос-ларнинг бизда Ренессанс эмас, илм-фан-да улкан юксалиш бўлган, уни бир гуруҳ атоқли олимлар амалга оширган, у кенг аҳоли турмуш тарзига ва онгига таъсир кўрсатмаган, деган фикри бирёқламадир.

Бизнинг Ренессансимиз, Европаникидан фарқли, бардавом бўлмагани қўлаб иқти-содий, ижтимоий-сиёсий, диний-мафкура-вий сабабларга, биринчи галда капитал ва ишлаб чиқариш концентрация бўлмага-нига, анъанавий жамият қарор топиғига бoриб тақалади. Европада капиталнинг илк жамғарилиши мануфактураларнинг ва би-лан бира ёлланма меҳнатнинг, рақобат-нинг ривожланиши, бир аср давомида Ре-формация ҳаракатининг католик черков би-лан қонли урушлар олиб бoриши, марказ-лашмаган, иерархиялашмаган турфа хил протестант черковларининг вужудга кeли-ши традиционализм илдиэларига болта урди. Жамият орта қайтмас юксалиш бўйи-ча ривожланди. Шу боис Европада Рене-ссанс даври тадриж этиб, Маърифатпар-варлик даврига (XVIII аср) айланди.

Агар ислom Ренессанси юз берган бўлса, унда нега изидан Европаникидек

янада юксалиш даври кeлмади, чунки у ас-лида воқе бўлмаган, унинг ҳеч қандай гоёвий-мафкуравий асослари йўқ эди, де-ган фикр бахсли.

Қурьони қаримдаги илм-фанга рағбат ва даяват, “Қабрдан то бешикачча илм изла”, “Илм излаб, Чингача бoр”, “Ҳик-матни мушрикнинг оғзидан бўлса-да, ўрган” каби ҳадислар ислom Ренессанси-нинг фалсафий-эътиқодий ва мафкуравий асоси эди. У саводсиз авом онгигача етиб бoрган эди.

Ислom мамлакатларида ҳунарманчилик-нинг, саноатнинг оила даражасида қолиб кетиши ва бошқа иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ҳамда диний-мафкуравий сабаб-ларга кўра традиционализм чекланмай қолди ва охир-оқибатда ғалаба қилди. Шарқ Ренессансига барҳам берди.

Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улуг мақсад белгиланган экан, аввало, ушбу тушунча мазмунини, тузилмасини аниқлаб олиш зарур. Акс ҳолда тарғибот-ташвиқот ва бошқа амалий ишларда чалқашиклар келиб чиқиш мумкин. Базми бир телекўрсатув ва сўхбатларда айрим шошқоқ журналист-лар ва кўрсатув катнашчилари, юқориди айтилганидек, “Биз учинчи Ренессанс бошланишида яшаямиз” деган фикрни тарқатмоқда.

Биринчидан, Ренессанс жамият та-раққиётига сифат жиҳатидан қар томонла-ма янги бoсқич эканлигини яна бир бор эслатиш зарур. Жамият ҳаётининг эса нис-батан алоҳидалашган соҳалари, йўналиш-лари талайгина: масалан, иқтисодийёт, иж-тимоий ҳаёт, ижтимоий таъминот ва муҳо-фаза, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, истироҳат, спорт, маънавий ҳаёт ва қадриятлар тизими, жамиятнинг ижти-моий-синфий тузилмаси, сиёсат ва ҳуқуқ, мудофoа ва миллий хавфсизлик, жулма-дан, иқтисодий ва экологик хавфсизлик, халқарo алоқалар, бошқа йўналишлар. Учинчи Ренессанс бошланиши учун улар-нинг барчасида янги сифат ўзгаришлари,

сакраш, “портлаш” юз бeриши лoзим.

Иккинчидан, Ренессансини амалга оширадиган мамлакат ва халқ, аввало, ўз даврининг илғор мамлакатлари, халқлари қаторига кўтарилиши шарт. Турмуш дара-жаси, иқтисодиёти, илм-фани жаҳоннинг илғор мамлакатларидан сезиларли дара-жада ортда қолган мамлакат, аввал тафо-вутни қамайтириб, илғорлар гуруҳига ки-риб олиши зарур. Қунини қийинчилик би-лан ўтказадиган халқ на илм-фанни, на адабиёт ва санъатни, на маъшый мадани-ятини ривожлантира олади, на ўзининг эс-тетик ва бошқа маънавий эҳтиёжларини етарлича қондиради.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқади-ган бўлсак, таҳмин қилиш мумкинки, Ўзе-бекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун (ҳали Ренессансининг ўзини эмас), аҳоли жон бошига ялпи ички маҳ-сулотни янада камида 20 — 25 минг доллар-га кўтариш керак. Илмий тадқиқотларга ЯИМнинг камида икки ярим, уч фоизга тенг улашини ажратиш талаб этилади. Биз



ТАРИХЖАН ҚИСҚА ДАВРДА

Бунда Президентимизнинг сиёсий иродаси ва эзгу ташаббуслари

Интервьюни ўқиш жараёнида шу ва бошқа ютуқларимиз бир-бир кўз ўнгимдан ўтди. Эътиборлиси, Президентимиз ҳар бир соҳани чуқур таҳлил этган ҳолда, эришган ютуқларимиз билан кифояланиб қолмасдан, олдимизда турган долзарб вазифаларни аниқ кўрсатиб берган. Бунинг барчаси, пировардида интервьюнинг шунчаки суҳбат эмас, балки тарихий аҳамиятга молик дастур сифатида юзага чиқишига замин ҳозирлаган. Шу маънода, ушбу интервьюни қайта-қайта ўқиш ва ўқиш, керак бўлса, ўз фаолиятимиз учун дастуриламал қилиб олиш, айни мuddаодир.

— **Сўзни Президентимизнинг интервьюсида бошладингиз. Шу боис энди-ги саволни шунга мос бермоқчимиз. Интервьюда: “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки объектив заруратдир”, дейилган. Сизнингча, кенг қўламли ислохотлар даври бўлган кейинги беш йилда қайси воқеа-ҳодисалар ўта муҳим бўлди?**

— Охириги беш йил улкан ютуқ ва муваффақиётлар баробарида, халқимиз ва Ватанимиз, минтақамиз, бошқа минтақалар давлатлари учун ҳам муҳим воқеаларга бўйлиги билан тарихдан мустақкам жой олди, десак муболаға бўлмайди. Аввало, Президентимиз ташаббуси ва етакчилигида Марказий Осиёда янги қўшничилик муносабатлари ўрнатилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Чегаралар очилиши нафақат Ўзбекистон халқининг, балки қардош ва қўшни мамлакатлар халқларининг ҳам ордосу бўлиб, бу борада узоқ йиллар давомида муайян қийинчиликлар мавжуд бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Тасаввур қилинг, бирон киши қўшни давлатдаги ақин қариношидан хабарлашгани бориш учун ойлаб руҳсатнома оломласа, бу қандай бедодлик? Худди шундай, юртимизга келмоқчи бўлганлар ҳам шу каби қийинчиларга тўқнаш келарди.

Президентимиз сиёсий ирода кўрсатиб, ана шу тўсиқларни парчаллади. Ўзбекистон раҳбарининг биргина мана шу эгиси — Марказий Осиёни бири-лашишга даъват этгани ва бу йилда барча имкониятларни ишга солгани минтақавий интеграция жараёнларида янги даврни бошлаб берган воқеа сифатида тарихда қолади, десак аниқ ҳақиқат. Ана шу эзгу амал туйғайли қардош халқларимиз бири-бирини яна топди. Бундан буюнга Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегаралар ва йўللار асло ёпиқмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Президент Шавкат Мирзиёев тақлифи билан Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилингани ва бугунги кунда шу халқаро ҳужжат асосида ҳудудда улкан ишлар қилинаётганини беш йилликнинг ана бир муҳим воқеалиги сифатида келтириш мумкин.

Аслида, ушбу воқеа бир кунда рўёбга чиқиб қолгани йўқ, бунинг замирида Юртбошимиз қатъияти зоҳир. Ёдингида бўлса, бу ташаббус Президентимиз томонидан 2018 йил августда Туркманбўши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъбисчи-давлатлари раҳбарлари йиғилишида илк бор илгари сурилганди. Шундан кейин давлатимиз раҳбари БМТ мин-бариди туриб, бу нуфузли халқаро тузилмага аъзо давлатларни шу масала бўйича махсус резолюция ишлаб чиқиш ва қабул қилишга чакрди. Бу шунчаки чакриқ бўлиб қолмасдан, бўлажак резолюция мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўлиғича очиб берилди. Яъни бу ҳужжатда юқори технологияли инновациялар, экологик тоза, энергия ва сувни тежайдиган технологияларни яратиш ва татбиқ қилишга инвестицияларни жалб этиш шун шарт-шароит яратиш, “яшил иқтисодиёт” таъминиларини изчиллик билан қўллаш, тупроқ деградацияси, чўлланиш, экологик миграциянинг олдини олиш, экотуризмни ривожлантириш каби ўта долзарб масалаларга доир чора-тадбирлар қамраб олинishi кераклиги ҳар томонлама асослаб берилди.

Айтиш жоизки, юртимизда ушбу ғояни юзага чиқариш мақсадида катта ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, хорижий давлатлардаги элчихоналаримиз ҳамда БМТдаги доимий ваколатхонамиз томонидан дадил қадамлар ташланди. Нихоят, 2019 йил 25 октябрда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган “Орол денгизи минтақаси — экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди” мавзусидаги халқаро конференцияда илк бор ушбу резолюциянинг лойиҳаси тақдим этилди.

Ҳужжат лойиҳаси Осиё — Тинч океани минтақаси, Европа, Африка, Лотин ва Шимолий Америка давлатлари делегациялари томонидан юксак баҳо-лангани ва резолюцияга дунёнинг 60 дан зиёд давлатлари ҳаммуаллиф бўлгани ҳам Президентимиз томонидан нафақат минтақамиз, балки бутун дунё учун долзарб бўлган ташаббус илгари сурилганини кўрсатади.

Шундай қилиб, мазкур ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида бир овоздан қабул қилинди. Бу ҳар қандай миллат тарихини беэаиди-ган муҳим воқеадир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида

давлатимиз раҳбари томонидан Барқарор ривож-ланиш мақсадлари (БРМ)га эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисида му-ҳим ташаббус илгари сурилган эди.

Жорий йил 23-24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида тарихда илк мартаба ташкил этилган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент-лараро глобал ҳамкорлик масалаларига бағишлан-ган халқаро форум айнан ушбу ташаббус доираси-да бўлиб ўтди. Унда Барқарор ривожланиш мақ-садларига эришиш борасидаги натижалар таҳлил қилиниши баробарида, бу йўналишдаги долзарб ва-зифалар белгилаб олинди.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таш-аббуси билан ҳаётга татбиқ этиб келинаётган Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида қам-раб олинган масалалар бутун инсоният учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, 2015 йилда Ўзбекис-тон ҳукумати 2030 йилгача бўлган давр учун Гло-бал кун тартибини амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Шу мажбуриятдан келиб чи-қиб, 2018 йили барқарор ривожланиш соҳасида 16 та миллий мақсад ва уларга оид 125 та вазифа қабул қилинди ва ўтган даврда бу борада салмоқ-ли ишлар рўёбга чиқарилди.

Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича юр-тимизда олиб борилаётган ишлар ва бу борада миллий парламентимиз ўрни ҳамда шу йўналишда-ги халқаро ҳамкорлик натижалари беш юқорида тил-га олиб ўтган Бухоро форумида атрофлича кўриб чиқилди. Бу тадбир ўзаро тажриба алмашишимиз учун мулоқот майдони вазифасини ўтагани билан ҳам аҳамиятли бўлди. Зеро, унда нафақат биз, балки дунёдаги барча давлатлар учун бирдек муҳим ма-салалар батафсил муҳокама қилиниб, навбатдаги вазифалар илгари сурилди. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик тўғрисидаги Бухоро декларацияси қабул қилиндики, бу бундан кейинги фаолиятимизга ян-гича суръат бериши аниқ.

Умуман, Бухоро форуми қатнашчиларига минта-қавий ва глобал даражада БРМга эришиш йўлида-ги тараққиётни режалаштириш, бюджетни ишлаб



чиқиш, тасдиқлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилишга доир қарорларни аниқлаш бўйича халқаро тажриба билан ўртоқлашиш имконини берганлиги билан муҳим воқеаликка айланди, десак, ўринлидир. Энг муҳими, форумда Барқарор ривожланиш мақ-садларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъмин-лашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси лойиҳаси муҳокама қилиниб, хорижий мамлакатлар парламентлари аъзолари томонидан ушбу резолю-цияни қабул қилиш тақлифи қўллаб-қувватланди.

Шу йил 5 ва 6 август кунлари Туркманистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарла-ри учинчи Маслаҳат учрашуви мазмун-моҳияти ва эътибори билан тарихий аҳамиятга молик навбат-даги воқеа бўлди.

Кўпчилик яши билади, Марказий Осиё давлат-лари раҳбарларининг учрашувларини ўтказиб бо-риш тақлифи Президентимиз томонидан 2017 йил 19 сентябрда БМТнинг 72-сессиясида илгари су-рилган эди. 2017 йил 10 ноябрда Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам ушбу масалага яна ургу берилди.

Шу тариқа ушбу нуфузли мулоқот йўлга қўйил-ган бўлиб, у минтақамиз мамлакатлари ҳамкорли-гини барча соҳа бўйича янги босқичга кўтаришда муҳим роль ўйнамоқда. Бунга учрашувларда қўрил-ган масалалар ва эришилган келишувлар мисоли-да ҳам кўриш қийин эмас.

Туркменистон учрашувида ўтган тўрт йил даво-мида ўзаро эришилган келишувларни амалга оши-риш натижалари кўриб чиқилди. Айни чоғда унда минтақа давлатлари учун муштарак бўлган барқа-рор ва изчил тараққиётни таъминлаш, савдо-со-тиқни ривожлантириш ҳамда энергетика ва транс-порт-коммуникация соҳасида ҳамкорлиқни кен-гайтириш ва бошқа энг долзарб масалалар муло-қот иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Бу нуфузли учрашувнинг ўзига хос воқеалиги си-

фатида Президентимиз томонидан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустақкам-лашга қаратилган қатор янги ташаббуслар илг-ари сурилганлигини келтириш мумкин.

Уларнинг ҳар бири бугунги кунда минтақамиз давлатлари учун бирдек муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини бир қарашда илгаса бўлади. Шу маънода айтганда, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи мулоқоти ҳам ҳар томонлама фойдали бўлди, бунинг самара-сини яқин келажақда барча қўшни давлатлар аҳолиси ўзларининг ҳаёти мисолида кўра бош-лашига ишончимиз қомил.

Маслаҳат учрашуви доирасида Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти форуми бўлиб ўтганили-гини ҳам алоҳида айтиш зарур. Унда Ўзбекис-тонда гендер стратегияси борасида олиб бори-лаётган изчил сиёсат ва унинг устувор жиҳатла-рини атрофлича ёритиб бердик. Ундан ҳам муҳи-

лоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида-ги кўп томонлама ҳамкорлигини фаоллашиб, халқаро ташкилотлар доирасида бир-биримиз-ни қўллаб-қувватлаш амалиёти кучаймоқда. Жу-сусан, Олий Мажлис халқаро парламентлараро ташкилотлар, жумладан, Парламентлараро Иттифок, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси ҳамда Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси фаолиятида самарали иштирок этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда, мамлакатимизни туркий тилли давлатлар билан ҳамкорлик қўламини кенгайти-риш доирасида, Ўзбекистон Олий Мажлиси Тур-кий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси (ТуркПА)нинг тўлақонли аъзоси сифатида ишти-рок этиш масалалари ўрганиб чиқилмоқда.

Ушбу парламентлараро ташкилотлар билан

ўзаро ҳамкорлиқни таъминлашга қаратилган аниқ ва узоқ муддатли иш режалари шакллантирилди.

Ўз навбатида, халқаро парламент ташкилотла-рининг тадбирларини мамлакатимизда ўтказишни ташкил этиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Жум-ладан, 2022 йилда Ўзбекистонда Парламентлараро Иттифок билан ҳамкорликда Парламентлар аёл спи-керлари Глобал саммитини, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассам-блеяси билан биргаликда Ассамблеянинг кузги йи-гилишини ўтказиш устида иш олиб бориляпти.

Парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари хорижий мамлакатлар қонун чиқарувчи органлари билан ало-қаларни ривожлантириш ва парламент мулоқот қўла-мини кенгайтириш учун доимий майдон вазифаси-ни бажармоқда. Бу, ўз навбатида, хорижий ҳамкор-лар билан очик ва конструктив мулоқот олиб бо-ришининг қўлай механизмига айлиниб бораётир.

Халқаро муносабатларда 2015 — 2019 йилларда Сенатда 25 та парламентлараро гуруҳ ва 2 та ко-миссия фаолият олиб борган бўлса, ҳозир улар-нинг сони 50 тага етди (47 та гуруҳ ва 3 та комис-сия).

Алоҳида эътиборга молик воқеалардан яна бири Америка Қўшма Штатлари Конгрессида Ўзбекистон бўйича “Caucus” — дўстлик гуруҳи тузилгани бўлди.

Дарҳақиқат, бугун парламентимиз қонун усту-ворлигини мустақкамлаш, халқ фаровонлигини таъ-минлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, халқаро алоқаларни мустақкамлаш жараёнида фаол қатнашмоқда.

Харакатлар стратегияси доирасида 2017 йилдан Сенат фаолиятида кенг қўламли ислохотлар бош-ланганидан хабарингиз бор. Ўтган даврда миллий парламентимиз халққа ақинлашди, яъни сенатор-лар фақат қонунларни кўриб чиқиш билан чекланиб қолмасдан, жойларда аҳоли билан учрашиб, уларни қўлайлаётган муаммоларни ҳал этишга жиҳдий ки-ришди. Муҳими, бу борада салмоқли натижаларга эришилди. Бугун аҳоли бизга ишонмоқда ва улар-да ислохотларга дахлдорлик туйғуси юксалмоқда.

Парламент ва ижро ҳокимияти ҳамкорлиги яна-да қўлайланишга ҳам қайд этиш зарур. Бугун Се-нат мажлисларида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари хисо-ботлари мунтазам равишда эшитиб бориляпти.

Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-лар билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Бунинг учун дастлаб 13 та қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, маҳаллий Кенгашлар ваколатлари кенгайтирилди. Маҳаллий Кенгашларда алоҳида котибиятлар тузилди. Ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида Сенат қўмиталарининг маҳаллий Кенгашлар билан узвий ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Умуман, охириги йилларда давлатимиз қонун чиқарувчи олий органи ўрни юксалди. Бу борада Президентимиз томонидан ҳар йили Олий Мажлис-га йўллаб келинаётган Мурожаатнома муҳим аҳа-мият касб этмоқда. Мурожаатномалар асосида қабул қилинаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид давлат дастурлари ижроси ҳам парламентимиз то-монидан назоратга олиниб, бу борадаги муаммо-лар тегишли идоралар кўмағида ҳал қилинмоқда.

Изчил ҳамкорлик пандемия даврида, айниқса, қўл келмоқда. Қарантин даврида мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоқ ёзган “Саховат ва кўмак” умум-халқ ҳаракати доирасида аҳоли ҳам таъминланган ва муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жараёнида сенатор ва маҳаллий Кен-гашлар депутатлари янада фаоллик кўрсатмоқда. Улар одамлар билан елкама-елка туриб, муҳтож-ларга ёрдам бермоқда, ақратилган моддий ёрдам ўз эгаларини манзилли етиб бориши, бу борада юртимизда жорий этилган “темир дафтар”, “аёл-лар дафтари”, “ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга берилаётган ёрдам бўйича қатъий на-зорат ўрнатди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон улкан ислохотлар палласига қадам қўйди ва кенг қўламли бунёдкор-лик, ободонлаштириш ишлари жадал тус олдики, бу парламентимиз ривожига ҳам таъсир қилмас-дан қолмади. Жамиятдаги ҳар бир аниқланиш пар-ламентимизнинг ҳам янги имкониятларини очмоқ-да, десак, хато қилмаган бўлаемиз. Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мустақиллиги таъминланди ва парламент ваколатлари кенгайтирилиб, унинг зиммасига юклатилган вазифалар тўлиқ бажари-лиши учун шарт-шароит яратилди.

Қонун лойиҳаларини маҳаллий Кенгашларда му-ҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилиши хисобига ҳудудлар манфаатлари уларда ақс эттирилишига эришилляпти. Шу билан бирга, Президент Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ва “йўл харитала-ри” бажарилиши юзасидан давлат идоралари, ма-ҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш амалиёти ҳаётга татбиқ этилди. Бу бугун қандай самара бераётганини ҳар биримиз кўриб, билиб турибмиз.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентнинг назорат функциясида самарали фой-даланиш ҳам доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Зеро, айнан парламент назоратига ушбу мақ-садларга эришиш борасидаги ишлар ҳолатини хо-лисона баҳолаш имконини беради. Шу боис ўтган йили Ўзбекистон Республикасини барқарор ривож-лантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифа-ларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оши-

рилишини назорат қилиш бўйича Парламент ко-миссияси тузилганлигини алоҳида қайд этиш за-рур.

Бу тузилма мувофиқлаштирувчи кенгашга юк-латилган барча вазифа бажарилиши устидан на-зорат қилишдан ташқари, унга бу борада яқин-дан кўмак бермоқда. Шунингдек, унинг ишлари то-ларини ҳар чоракда эшитишни йўлга қўйди, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳала-рини ишлаб чиқиш бўйича тақлифлар ҳам тайёр-лаб келмоқда. Бундан ташқари, шу йўналишдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар ижроси-ни мониторинг қилиш, миллий мақсад ва вазифа-ларга киритилган соҳаларнинг ривожини тан-қидий таҳлилдан ўтказиш, бу борадаги ишлар ҳолатини аниқлаш, соҳага илгор хорижий тажри-бани изчил татбиқ этиш ҳамда халқаро ҳамкор-ликни ривожлантиришда бош-қош бўлиб келмоқда.

Ҳукумат тақдим этадиган йиллик бюджет па-

раметрлари етарли эканлиги ва миллий барқарор ривожланиш мақсадларини Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича режага мослигини кўриб чиқиш, зарурат бўлса, кейинги йилга мўлжалланган Давлат бюджети ва “Давлат бюджетни тўғрисида”ги Қонунга ўзгаришлар киритиш юзасидан тақлиф-лар тайёрлаш, БРМ борасидаги ютуқларни кенг ёритиш мақсадида жамоатчилик билан ало-қаларни мустақкамлаш ҳам ушбу тузилманинг му-ҳим вазифаларидан саналади.

Мазкур вазифалар асосида бугун парламент ко-миссияси томонидан кенг қўламли ишлар олиб бо-риляпти. Хусусан, ўтган йили республика бўйича миллий Барқарор ривожланиш мақсадларидан ҳисобланган камбағалликни қисқартириш, озиқ-ов-қат хавфсизлигини таъминлаш, она ва болаларни ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича ҳолат ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида 37 та миллий вазифа ва 50 дан зиёд кўрсаткичлар қам-раб олинди. Шу жараёнда 19 та давлат органи раҳбарлари ҳисоботлари эшитилди. Барқарор ри-вожланиш соҳасидаги алоҳида масалалар юзаси-дан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 388 та сенатор сўрови, ҳукумат аъзоларига 13 та парламент сўрови юборилди.

БРМга эришиш йўлида халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашлари салоҳиятидан унумли фойдалани-лаётганини юқорида айтиб ўтдик. Жойларда сена-торлар раҳбарлигида миллий мақсадлар бўйича қабул қилинган ҳужжатлар ижроси ўрганилиб, юза-га келган муаммоларни ҳал этиш чоралари кўриляпти. Бордию шу муаммолардан қайсидаги би-рини маҳаллий ёки ҳудудий миқёсда ҳал қилиш им-кони бўлмаса, мазкур масалалар Сенатга тақдим этилмоқда.

Парламент ва жамоатчилик ашитувлари ҳам мил-лий парламентимизнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шу асосда миллий вазифаларнинг ҳар бири ижроси юзасидан манзилли чора-тадбир-лар ишлаб чиқилиб, мавжуд муаммолар ечими бўйи-ча Сенатнинг тегишли қарорларига биноан ҳукумат олдиға вазифалар қўйилмоқда. Бу сай-ҳаракатлар қандай самара бераётгани эса ҳаммага маълум, жойларда йиллар давомида тўпналиб қолган муам-мо ва камчиликларга ечимлар топишмоқда.

Миллий парламентииз қиошидаги тузилма ва институтлар фаолияти ҳам сезиларли даражада куч-айганлигини эътироф этмасдан бўлмайди. Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ана шулардан бири. Мазкур комиссиянинг Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан йўлга қўйилган ҳам-корлиги туйғайли юртимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди.

Албатта, мамлакатимизда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида эришилган натижаларда, аввало, Президентимиз-нинг қучли сиёсий иродаси асосий омил бўлганли-гини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Беш йил олдин халқаро ҳамжамият томонидан мамлакатимизда пахта мажбурий меҳнат асосида териб олинаётганини, қолаверса, айрим соҳалар-да болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳолатлари уч-раб турганлиги кескин танқид қилинар эди. Биз эса пахтани талабаларсиз, коллеж ўқувчиларсиз, қорхона, ташкилот ва муассасалар ходимларисиз териб олишни кўз олдимизга келтира олма-с эдик.

Бу ҳолат Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижига салбий таъсир қўрсатиб, мамлакатимизга хорижий инвесторлар кириб келишига муайян маъ-нода тўсиқлик ҳам қўйлаётган эди.

Шу йўналишдаги фаолиятни тизимга солиш, му-аммоларни бартараф этиш мақсадида охириги ўн йилда 30 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Халқаро меҳнат ва Халқаро мигра-ция ташкилотларининг 7 та конвенция ва протоко-ли ратификация қилинди.

Мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳақида гап кетганда, ўтган йилги пахта йиғим-терими мавсу-мида парламент томонидан қатъий жамоатчилик на-зорати йўлга қўйилгани ва тарғибот ишлари таш-кил қилинганини ҳам айтиб ўтиш зарур. Сенаторлар ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар депутатла-ри, ОАВ вакилларида иборат ишчи гуруҳлар таш-кил этилиб, мавсум давомида кластерлар, фермер ҳўжаликлари, маҳалалар, қорхона ва ташкилотларда ўрганиш олиб борилди. Шу жараёнда 96 мингдан зиёд теримчи ва ишчи-ҳодимлар билан субхатлар ўтказилиб, меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилиши ҳолатлари таҳлил қилинди.

Ишчи гуруҳлар томонидан жами 803 та ҳолатда меҳнат қонунчилиги меъё-рлари бузилиши аниқлан-ди ва масала жойида бартараф этилишига эришилди. Ўз навбатида, мавсумда меҳнат қонун-чилиги талабларини бузган 170 нафар мансабдор шахсга, шу жумладан, 5 та туман ҳокимига нисба-тан жавобгарлик қоралари қўлланилди.

Эътиборлиси, мазкур соҳада қилинган ишлар на-тижасида Ўзбекистон халқаро рейтингларда ўз по-зициясини яхшилаб борди. Хусусан, АҚШ Давлат департаменти томонидан ҳар йили эълон қилина-диган Дунёда одам савдоси тўғрисидаги ҳисоботи-да жорий йилда Ўзбекистон тўлиқ 2-тоифадаги, яъни халқаро стандартларни тўлиқ бажариш бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошираётган мамлакатлар тоифасига киритилди.

Бу фаолиятимизга берилган ҳаққоний баҳо

бўлишидан ташқари, у бизни янги марралар сари илҳомлантириши билан янада аҳамиятлидир.

— **Юқори палатанинг муҳим вазифаларидан бири — одамлар ҳаёти фаровонлашувиغا хизмат қилувчи қонунлар ва бошқа ҳужжатлар амалда қандай бажарилаётганини устидан парламент назоратини олиб боришдир. Ҳўш, қонун чиқарувчилар бу ваколатдан қандай фойдаланмоқда?**

— Назорат-таҳлил Сенат фаолиятида катта ўрин тутади. Шу функциядан самарали фойдаланиш ҳисобига жойлардаги қўллаб муаммолар аниқланиб, ўз вақтида ҳал этилмоқда. Буни далиллаш учун жорий йилнинг ўтган даврида ташкил этилган айрим нazorат-таҳлил тадбирларини мисол қилиб келтириб ўтмоқчиман. Бу даврда алоҳида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, ҳудудларда долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар жойида таҳлил қилинди. Жумладан, январда Бобўут, Бўстон, Олот, Қарши, Тўрақўрғон туманлари ва Каттакўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг 2020 йилдаги ижроси ўрганилди. Шу асосда 17 та тадбирни амалга ошириш учун 1 млн. 572 млн. сўм маблағ ажратиб берилишига амалий ёрдам кўрсатилди. Масалан, Олот туманидаги “Хумо барака”

КАТТА ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТДИ

асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

МЧЖнинг паррандачиликни кенгайтириш, гранула ишлаб чиқаришини ташкил этиш лойиҳаси бўйича 220 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиши таъминланди. Шунингдек, Каттакўрғон шаҳар ободонлаштириш бошқармасига махсус автотранспорт воситаси харид қилиш мақсадида 468 млн. сўм, Қарши туман маданият бўлимига “Дамас” автомашинасини харид қилиш учун 80 млн. сўм тўловлар амалга оширилиши ташкил этилди.

Февраль ойида 2020 йил якуни билан Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбалари ҳисобидан шакллантирилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши ҳолати юзасидан ўрганиш олиб борилди.

Вилоятлар ҳамда туман ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилган ҳарajatлар ўрганилганда, катта миқдордаги молиявий қонуёнбузарликка йўл қўйилгани аён бўлди. Ушбу ўрганиш натижаларни асосида Бош прокуратура томонидан жиноят иши қўзғатилиб, бюджетга etkазилган 394,1 млн. сўм зарар ундирилишига эришилди ҳамда айбдорларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари қўйилди.

Шу йилнинг март — май ойларида эса аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўтказилган ўрганишда тизимли муаммолар борлиги аниқланди. Ўрганиш якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишлари ўтказилди. Ўз навбатида, бу камчиликлари бартараф этиш бўйича тегишли чоралар — ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди. Иш шу билан якунлангани йўқ. Бу масала Олий Мажлис Сенати ўн олтинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиб, ҳукумат, тегишли вазирлик ва идоралар, Қорқалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида танқидий қўрилиб, натижалари юзасидан Сенат қарори қабул қилинди.

Сенат қўмиталари томонидан ҳам қонунлар ижроси, аҳолини қийнаётган долзарб масалалар юзасидан ўрганишлар олиб борилди. Назорат-таҳлил фаолияти доирасида 23 та ўрганиш ташкил этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давлат хизматлари кўрсатилиши ҳолати, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, пандемиядан кейин туризмни тиклаш ва ривожлантириш, автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар ҳолати ҳамда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашга доир қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши, қон донорлиги ҳосасини ривожлантириш, ҳудудлардаги оқова сув тозалаш иншоотларида вужудга келаётган муаммоларнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири бўйича мавжуд ҳолат ва бу борада олиб борилаётган ишлар бўйича Вазирлар Маҳмасига 7 та парламент сўрови юборилди. Шунингдек, аввал юборилган 11 та парламент сўровининг натижалари муҳожама этилди.

Бир қарашда булар шунчаки рақамлар бўлиб қўрилиши мумкин. Аммо ҳар бир рақам остида ўнлаб ечим топган муаммолар борлигини инобатга олсак, парламентимиз юқори палатасининг назорат-таҳлил йўналишидаги фаолияти қанчалик самарали бўлаётганлигини тўла тасаввур этиш мумкин.

— **Янги Ўзбекистонда давлат ва жамият ривожига раҳна солувчи энг йирик иллат — коррупция балосига қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада парламентимиз юқори палатасининг ўрни қай даражада? Юқорида қайд этганингиз — очкилик сиёсати ва парламент назорати қандай самара бермоқда?**

— Дарҳақиқат, янги Ўзбекистонни барпо этиш коррупцияга қарши курашиш билан бошланди, десак, муболага бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўз ваколатига киришиши билан, Президент сифатида имзо чеккан энг биринчи қонун ҳам айнан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун бўлди.

Бунда Ўзига ҳос рамзий маъно бор, десак ҳам янгилишмаймиз. Яъни коррупциядан холи қилиш давлат ва фаровон жамият куриш — устувор мақсад этиб белгиланди.

Сўнгги беш йилда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди. Давлат ва жамият қурилишига оид барча соҳадаги коррупциягон омилларни қамайитришга қаратилган 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, “йўл хариталари” ва дастурлар қабул қилинди. Хусусан, ҳар икки йилда Давлат дастури қабул қилиниб, соҳадаги муаммоларни тизимли ҳал қилиш йўлга қўйилди.

Давлат раҳбарининг 2017 йил 2 февралдаги Фармони билан тузилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси фаолияти тубдан қайта қўриб чиқилиб, бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда соҳада парламент назоратини қучайитириш мақсадида идоралараро комиссия Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши этиб қайта ташкил этилди.

Парламентнинг ҳар икки палатасида махсус

қўмиталар ташкил этилиб, парламент назорати институти мустаҳкамланди. Энг асосийси, мамлакатда давлат сиёсатини амалга оширувчи ягона орган — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди ва миллий кенгашининг ишчи органи этиб белгиланди.

Юртбошимиз томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистонда ушбу иллатга муросасиз кураш янги босқичга қўтарилгани, бу борада муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, мустақил тузилма ташкил этилгани таъкидланди ва шу орқали коррупцияга қарши курашиш сиёсати мамлакатимиз учун нақадар муҳимлиги бутун дунёга намоён этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида очкилик ва шаффофликни таъминлаш, “аширин иктисодиёт”ни қисқартириш чоралари қўрилмоқда, қурилиш, олий таълим, соғлиқни сақлаш ва давлат ҳаридлари йўналишларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳалари амалга оширилмоқда, барча вазирлик ва идораларда бу иллатга қарши “комплаенс-назорат” тизими йўлга қўйилмоқда.

“Коррупциясиз соҳа” тўғрисида тўхталар эканмиз, биргина қурилиш тармоғида сўнгги уч йилда 40 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини таъкидлаш зарур. Қурилиш-мон-

бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, таълим ва касбий қўникмаларга эга бўлишига қўмаклашиш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган, фарзандларини тўликсиз оилда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга уй-жойларнинг бошланғич бадалини тўлаб бериш тизими жорий этилди. Бунинг учун Хотин-қизлари қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилиб, Давлат бюджетидан ҳар йили 300 млрд. сўм маблағ ажратилмоқда.

Хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йилнинг ўтган даврида “аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик қилиш истағида бўлган 68 минг 281 нафар хотин-қизга 837 млрд. 931 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилиб, бандлиги таъминланди.

Хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарбиб қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 6,2 миллион туғиш ёшидаги аёллар тиббий қўриқдан ўтказилди. Эътиборлиси,

тобора кўпайиб бораётганидан ҳам сезса бўлади. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида жисмоний ва юридик шахслардан жами 11 минг 200 га яқин мурожаатлар келиб тушган. Бу 2020 йилнинг шу давридагига нисбатан деярли 2 баробар кўп.

Ҳўш, биз бу мурожаатларни тез ва соз ҳал этиш учун нимадан қилдик? Албатта, қўпчиликини ушбу масала қизқитириши табиий. Май ойидан бошлаб Сенатда мурожаатлар билан ишлашнинг янги тизими йўлга қўйилди. Яъни эндиликда Сенатга келиб тушган мурожаатлар соҳалар (қўмиталар) кесимида эмас, балки ҳудудлар кесимида тақсимланмоқда. Бу тизим сенаторларнинг ўзлари сайланган ҳудуддаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни янада тезроқ ўрганиб чиқиб, тезроқ ҳал қилишида қўл келмоқда.

Буни биргина таққос билан далилламоқчимиз. Мисол учун жорий йил биринчи чораги давомида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси сенаторлари томонидан атиги 10 та мурожаат қўрилган бўлса, ҳудудлар кесимида қўриб чиқилиши боис Қорақалпоғистон Республикаси учун бириктирилган қўмита томонидан 125 та мурожаат қўрилган ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган.

Шундай қилиб, биз ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирни бор, деган оддий тамойилдан келиб чиқиб, уларга ижобий ечим топишга ҳаракат қилаверамиз.



— **Юқори палата янги технологияларни ҳадал ўзлаштирмоқда. Ялпи мажлисларни тўғридан-тўғри трансляция қилиш мунтазамлик касб этди, Сенат Раисининг ижтимоий тармоқлардаги шахсий аккаунтлари фаол ишляпти, палата сайтида сенаторга шахсан мурожаат этиш имкони яратилди. Бундан ташқари, Сенат ижтимоий тармоқлардаги янгилıklar ва постларга тезкор муносабат билдирмоқда. Юқори палатанинг тармоқда фаоллашуви фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга қандай таъсир кўрсатаётгани бўйича фикрингизни билдирсангиз. Ушбу йўналишни қандай ривожлантириш мўлжалланган?**

— Бугун замон ахборот-коммуникация технологияларидан умумли фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу боис ҳам АКТни фаолиятимизга кенгрок қўллашга ҳаракат қилияпиз. Сиз айтгандек, Сенат ялпи мажлислари иқтимоий тармоқлар орқали тўғридан-тўғри намойиш этилмоқда. Бунга шунчаки янгилік сифатида қарамаслик керак, бунинг замирида катта эзгу мақсадлар бор. Гап шундаки, ялпи мажлисларининг тўғридан-тўғри эфирга узатилиши юртдошларимизга янги қонунлар ёки бутун жамиятга дахлдор бўлган бошқа масалаларнинг мазмун-моҳияти билан тезкор танишиб бориш имкониятини яратди. Қолаверса, баҳс-мунозарани қўриб, улар ҳам янада фойдалашади.

АКТ аҳоли билан ишланишимиз учун катта қулайликлар яратиб берди. Бу қулайлик кўпроқ юртдошларимиз фойдасига хизмат қилмоқда. Буни шу йилнинг олти ойида Сенатга келиб тушган мурожаатларнинг 592 таси Сенат Раисининг ижтимоий тармоқдаги саҳифаси орқали келгани ҳам тасдиқлайди. Дейлик, олис бир қишлоқдаги фуқаро мурожаат қилиш учун пойтахтга келиб овора бўлмайди, ижтимоий тармоқ орқали йўллайди. Биз уни тезлик билан назоратга оламиз. Қарабасизки, унинг муаммоси қисқа муддатда ҳал бўлади.

Аммо биз шуларнинг ўзи билан қифоляниб қолаётганимиз йўқ. Замон талаби асосида бу борадаги фаолиятимизни тақомиллаштириш пайидамиз. Шу мақсадда қорғори йил апрелида Сенат де-вони таркибиде ушбу йўналиш билан шуғулланидиган алоҳида тузилма, яъни Таҳлил ва тезкор муносабат билдириш шўбасида ташкил этилди. Бу тузилма томонидан ОАВ ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган аҳоли эътирозлари ва кескин муҳокамаларига сабаб бўлаётган муаммолар тизимли равишда мониторинг қилиниб, уларга тезкор муносабат билдирилмоқда.

Агар шу йилнинг биринчи чорағида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлган ҳолатларга нисбатан умумий 4 та муносабат билдирилган бўлса, кейинги уч ойда бу кўрсаткич 10 баробардан зиёда ошди.

Ана бир мисол: жорий йилнинг биринчи ярмида ОАВда чоп этилган материалларнинг деярли ярми — 47,5 фоизи интернет тармоқлари ҳиссасига тўғри келади. Шу боис бундан кейин АКТдан янада кенгрок фойдаланиш чораларини қўришда давом этамиз.

Шундай қилиб, охириги йилларда миллий парламентимиз ривожланиш йўлини босиб ўтди, муҳими, бу жараён изчиллик билан давом эттирилмоқда. Олий Мажлис Сенати мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини нима шундай натижалар билан қарши олмақда. Албатта, биз ушбу ютуқлар билан қифоляниб қолмоқчи эмасмиз. Биз, ҳудудлар манфаатларини таъминлаш борасида фаолият кўрсатаётган Олий Мажлисининг юқори палатаси, ўз фаолиятимизни одамларимиз фаровонлиги йўлидаги миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлаб борсак, ҳалқимиз билан бевосита мулоқот асосида ишларимизни ташкил этсак, ютуқлар янада салмоқли бўлади. Бунга ишончимиз қомил.

— **Сенат бугун қўллаб комиссия ва кенгашларга раҳбарлик қилиб келмоқда. Айниқса, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш мамлакатимиз учун буткул янги йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон учун халқаро рейтинглар билан ишлаш қай даражада муҳим?**

— Аввало, рейтинг нима учун керак, деган табиий савол туғилади. Рейтинг турлича бўлиши мумкин: бизнес рейтинги, инвестициявий жозибadorлик, қонун устуворлиги, гендер тенглик рейтинглари ва бошқалар. Рейтинглarda иштирок этиб, юқори

ўринларда бораётган ҳар қандай давлатнинг очкилиги, шаффофлиги ҳамда иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда эътироф этилади.

Халқаро рейтинглар ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ва демократик ўзгаришларни ўзида муҳассам этади. Давлат бошқаруви сифатини ошириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳитни яратиш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш каби муҳим масалалар халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан мунтазам ва холис баҳолаб борилади. Бу жиҳатларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятида ҳам муҳассам.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши тузилган бўлиб, унга парламентнинг иккала палаталари раҳбарлик қилади. Ушбу кенгашни тузишдан асосий мақсад — халқаро рейтинглар билан баҳоланмадиган барча соҳалар ва йўналишларда амалга оширилаётган ислохотлар устидан парламент, яъни халқ назоратини ўрнатишдан иборат.

Фармон билан 24 та халқаро рейтинг мамлакатимиз учун устувор этиб белгиланган бўлиб, ўтган даврда 16 та халқаро рейтингга Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди, 3 тасида — Глобал инновациялар

индекси, Рақобатбардош саноат унвдорлиги ва Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш чекловлари индексларида илк маротаба эътироф этилди.

Республика кенгаши томонидан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражаси тизимли таҳлил қилиб борилмоқда ҳамда мазкур йўналишдаги ишларга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Биргина 2020 йил давомида қўрилган чора-тадбирлар натижасида 12 та қонун, 3 та кодекс, Президентнинг 14 та Фармони ва қарори, Ҳукуматнинг 15 та қарори лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шундан, 3 та қонун, Президентнинг 7 та Фармони ва қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 4 та қарори қабул қилинди. 2021 йил давомида эса 7 та стратегия, 21 та қонун, 2 та концепция, 35 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Бундай сай-ҳаракатлар натижасида қатор халқаро рейтингларда мамлакатимизнинг ўрни анча яхшиланиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Жаҳон банкининг Статистик салоҳият индексида Ўзбекистон 2020 йилда 2019 йилдагига нисбатан 16 поғонага қўтарилиб, 146 та мамлакат орасида 61-ўринни эғаллади.

Бизнес юритиш индексида 2020 йилда Ўзбекистон 190 та мамлакат орасида 69-ўринни эғаллаб, сўнгги 4 йилда 18 поғонага қўтарилди. Индекснинг “корхоналарни рўйхатдан ўтказиш”, “контрактлар ижросини таъминлаш” ва “электр таъминоти тизимига уланish” кўрсаткичларида мос равишда 8, 22 ва 36-ўринларни эғаллаб, “топ 20” та ислохотчи мамлакатлар қаторига кирди.

Глобал инновациялар индексида Ўзбекистон 2015 йилдан бери иштирок этимаётган эди. Олиб борилган сай-ҳаракатлар натижасида 2020 йилда мамлакатимиз ушбу индексдаги ўрнини 2015 йилдагига нисбатан 29 поғонага яхшилаб, 131 та мамлакат орасида 93-ўринни, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари орасида эса 4-ўринни эғаллади.

“Мерос” жамғармасининг Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистон ўрни 2021 йилда 6 поғонага юқориллаб 178 та мамлакат ичида 108-ўринни ишғол этди. Осиё — Тинч океани минтақасида 40 та мамлакат орасида 21-ўринни эғаллади. Умуман олганда, мамлакатимиз охириги 4 йилда ушбу индексда 44 ўринга юқорилган.

Коронавирус пандемиясининг тарқалиши бизни ташқи қарзларни жалб этишга мажбур қилди. Бу эса Ўзбекистон суверен кредит рейтингининг пасайишига ва “S&P” Global Ratings халқаро рейтинг агентлиги томонидан мамлакатимиз кредит рейтингини “салбий” деб баҳолашишга олиб келган эди.

Жорий йилда мамлакатимиз рейтинг прогнозини “салбий”дан “барқарор”га оширилди. Бу бир қатор омиллар билан изоҳланади.

Биринчидан, 2020 йилда Ўзбекистон иқтисодий ўсишга (1,6 фоиз) эришган дунёдаги камдан-кам мамлакатлардан бири бўлди.

Иккинчидан, мамлакатимиз ташқи қарзининг ўсиш суръати секинлашган ҳамда қисқа муддатли фискал ва ташқи харатлар пасайган.

Давлат ташқи қарзига йиллик лимитнинг (5 млрд. доллар) ҳамда давлат қарзининг энг юқори миқдорининг (ялпи ички махсулотга нисбатан 60 фоиз) қонун билан қатъий белгилла қўйилганлиги агентлик томонидан ижобий баҳоланган.

Умуман, Ўзбекистоннинг фискал позицияси сўнгги икки йилда яхшилانган.

Шу ўринда Президентимизнинг интервьюсидан иқтибос келтириб ўтмоқчиман. Давлатимиз раҳбари эришган натижаларимизга берилаётган баҳо ҳақида тўхталиб, “...бу демократик ўзгаришларни қимматга қириш учун эмас, аксинча, демократик жараёнлар ўзимизга сув билан ҳаводек зарур бўлгани учун, ҳалқимиз, авваламбор, ёш авлодимизнинг бугунги ҳаёти ва эртанги истиқболини ўйлаб, миллий манфаатларимиз йўлида амалга оширмоқдамиз”, дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, рейтинглар шунчаки ўлчов эканини унутмаслигимиз керак. Муваффақиятнинг асл кўрсаткичи — иқтисодий ривожланиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадининг ўсишига эришишдан иборатдир.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

«Халқ сўзи».

ВОҲА РАВНАҚИДА ЯНГИ САҲИФА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида, аввало, халқни рози қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, пировардида мустақил Ватанимиз тараққиётини таъминлашдек улугвор мақсадлар мужассам. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган бунёдкорлик гоёлари, бугунги янгиланишлар республикаимизнинг барча ҳудуди қаторида, Навоий вилояти учун ҳам улкан ютуқлар олиб келди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи воҳа тарихида мутлақо янги саҳифа очди, десак, аини ҳақиқат.

Акс садо

КОРХОНАМИЗ КЕЧАГИ
КОРХОНА ЭМАС

Толиб САИДОВ, “Навоийазот” АЖ бошқаруви раисининг илм-фан масалалари бўйича маслаҳатчиси.

— “Навоийазот” остонасини ҳатлаб иш бошлаганимга 49 йил тўлди. Богбонликдан бошлаб, бош директор ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтганман. Икки ўғлим, икки қизим, икки кўёвим ва мен кимёгар муҳандис, кимёгар технологлармиз. Қисқача айтганда, кимёгарлар сулоласимиз.

2015 йилда “Навоийазот” жудаям ташвишли дамлارни бошдан кечирди. Ишчиларнинг иш ҳақидан қарздорлик беш-олти ойга қўзилган, технологиялар эскирган, хуллас ушбу заводни ёпиш керак, деган иддаолар ҳам пайдо бўлган эди. Шундай бир шароитда ўша пайтларда Бош вазир бўлиб ишлаган Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг саяй-ҳаракатлари билан корхонамиз нафақат сақлаб қолинди, балки технологик жиҳатдан янгиланди.

Корхонаимизнинг кимёвий ўғитлариغا, асосан, ўсимликларнинг вегетация даврида, яъни уч ой талаб юқори бўлади. Қолган пайтларда

омборга ишлардик. Экспортга маҳсулотларимиз, жайдари қилиб айтсак, тортмасди. Бугун ишга туширилган технологияларимиз туфайли Европа стандартларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдамиз. Натижада Австрия, Венгрия, МДҲ давлатлари ва бир қатор Осиё мамлакатларига маҳсулот экспорт қилмоқдамиз. Вагон тақчиллигидан Хитой, ҳатто, контейнерга юклаб, фуралар ёрдамида маҳсулотларимизни импорт қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси корхонамизда қўшимча қиймат яратиш, ҳисобимизда маблағ пайдо бўлиши, ишчилар билан вақтида ҳисоб-китоб қилиш имкониятини яратди.

Кўпгина ишхонани муқаддас билиб “пирхона” деб атаймиз. Шу тахлит шахримиздаги 9 минг кишининг “пирхона”си Президент ташаббуси билан сақлаб қолинди. Кўни кечаги ташриф бутун жамоамиз кўнглини байрам арафасида тоғдек кўтарди.

БИР ЎРИНГА БЕШ-ОЛТИ КИШИ ТАЛАБГОР

Хусен САИДОВ, Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш мажмуаси бошлиғи:

— “Навоийазот”да аммиак ва карбамид олишининг 60-йиллар технологиясида ҳам ишлаганман. Тўғри, ҳар қили технологияи принцип жиҳатидан бир хил бўлса ҳам уларда инсон омилига эътибор тўбдан фарқ қилади. Яъни япон технологиясида ушбу корхона инсон учун эканлиги биринчи ўринга чиқарилиб, аввало, ишчи-мутахассисларнинг хавфсизлигига эътибор қаратилган. Аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришда минглаб даража иссиқлик ҳамда юзлаб атмосфера босимдан фойдаланамиз.

Эски технологиямизда бирор авария хавфи ёки авария ҳолати турилса, жараёни мутахассис қўли билан бориш тўхтатар эди. Янги мажмуада эса бу автоматик тарзда амалга оширилади. Техмакорлик, экологик хавфсизлигидан ҳамма хабардор. Шу боис уларга тўхталиб ўтирмайман.

Тўғриси, эски технологияда юрак ҳовучлаб ишлардик. ОТМ битирувчилари битирув амалиётдаёқ шароитни қўриб, қайтиб келмасди. Бугун янги технология бўйича ҳар бир иш ўрнига беш-олти киши талабгор бўляпти. Танлаш имкониятимиз пайдо бўлди.

Корхона ўз мuddатида ишга туширилишининг энг муҳим омили, бу мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътибори, десам, муболаға эмас. Президентимиз мана шу уч лойиҳа доирасида беш марта корхонамизга ташриф буюрди.

Бундан ташқари, бутун қурилиш майдончари бўйлаб ўрнатилган камералар орқали барча қурилиш жараёнларини қафдгаидек кузатиб турар эдилар. Албатта, буларнинг барчаси одамларнинг эртанги кунга ишончини оширди.

ИМКОНИЯТЛАР
САМАРАСИНИ
ЮЗАГА ЧИҚАРАДИГАН
ЗАМОН КЕЛДИ

Мерей ОМОНБОЕВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:

— Халқимизда “Интилганга толе ёр”, деган ибора бор. Бугунги кунда эзгу мақсадлари сари интилаётган ҳар қандай инсон борки, яхши натижалару ютуқларга эришмоқда.

Ўзимдан қиёс. Ўтган йили жамоатчилик йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳибаси бўлдим. Айни пайтда Навоий давлат педагогика институтининг 2-босқич магистрантиман.

Давлатимиз раҳбари яратиб берган имкониятлар сабаб Нурота туманининг олис Чўқуржудқ қишлоғида оилавий мактабгача таълим муассасаси очганман. Бу ҳаммаси эмас, қорвачилик кластери раҳбари ва вилоятнинг бизнес-тренинги ҳам менинги зиммада. Мингга яқин шогирдларим бор.

Яна бир гап. Президентимиз ташаббуси билан “Бизнесга биринчи қадам” стартап лойиҳалари учун грантлар ажратилиши фаолиятимизда катта қадам бўлди. Ўтган йили вилоятимизда ушбу лойиҳага йўналтирилган 850 миллион сўм маблағ туфайли ҳар бир туман ва қишлоқда биттадан тадбиркорнинг фаолиятини йўлга қўйдик. Бугунги кунда улар бештадан олтииштагача иш ўрни яратишган.

Яқинда давлатимиз раҳбари мамлакатимиз тадбиркорлари билан учрашиб, самимий мулоқот қилиб, тадбиркорга ҳам назарий, ҳам амалий кўмак бериш керак, деган гоёни илгари сурди. Бунинг замирида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, унинг оёққа туриб олишига тўсиқ бўлаётган говларни бартараф этишга даъват муассас.

Мамлакатимиз раҳбари билан бу сафари мулоқотим мен учун қутилмаган ва нихоятда қувончли кечди. Энг муҳими, учрашув биз, ёшлар шижоатини янада оширди, десам, аини ҳақиқатни айтган бўламан.

Факт ва рақамлар

- Кармана туманидаги “Nur Navoi Solar” қуёш фотоэлектр станцияси **100 МВт** қувватга эга бўлиб, бу **31 000** оиланинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қаноатлантиради.
- Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда қуёш станцияларини қуриш орқали жами **600 миллиард** киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бу республикаимизнинг бугунги кунда энергияга бўлган умумий эҳтиёжидан **8** баробар кўп энергия ишлаб чиқариш мумкин, дегани.
- Мамлакатимиз хорижий инвестициялар ҳисобига 2030 йилгача қуёш электр станциялари қувватини камида **5 000**, шомол электр станциялари бўйича эса **3 000** мегаваттга етказишни мақсад қилган.
- “Nur Navoi Solar” қуёш фотоэлектр станцияси йилига **80 миллион** метр куб табиий газ иқтисод қилинади ва бу газ аҳоли уйларига боради. Бундан ташқари, **160** минг тонна заҳарли газлар ҳавога тарқалишининг олдини олади.
- Станцияда ёқилга энергия ресурсларидан фойдаланиланишга атмосферага **160 000** тонна чикинди газлар ташланишининг олдини олади.
- Келгуси икки йилда Бухоро, Жизжаҳ, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарёда умумий қуввати **2100** мегаваттлик **9** та қуёш фотоэлектр станцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида **1600** мегаватт қувватга эга **4** та шомол электр станцияси ишга туширилиши режалаштирилган.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

«ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА» —
ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Республикаимизнинг устувор йўналишларидан бири барчамиз учун глобал масалага айланаётган электр энергиясининг зарурлиги ва ундан оқилона фойдаланиш, арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергетикани жорий этиш чораларини қуришдан иборатдир.

Муносабат

Аҳолини сифатли ва узлуқсиз энергия манбалари билан таъминлашда, аввало, давлат-хусусий шериклики ривожлантириш, барқарор инвестицион лойиҳаларни жалб қилиш зарур.

Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев кўни кеча Навоий вилоятига ташрифи чоғида Кармана туманида барпо этилган 100 мегаватт қувватли мамлакатимиздаги биринчи йirik илк қуёш фотоэлектр станциясини рамзий ишга туширди.

Мазкур мажмуа қурилиши ўтган йили бошланган эди. Унинг доирасида 110 млн. доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 300 мингта қуёш панели ўрнатилди. Бу лойиҳа амалга ошиши билан 80 млн. метр куб табиий газ иқтисод қилинади ва бу газ аҳоли уйларига боради. Бундан ташқари, 160 минг тонна заҳарли газлар ҳавога тарқалишининг олдини олади.

Бу эса, том маънода, Ўзбекистоннинг “яшил иқтисодиёт”га ўтишига биринчи қадам бўлиб, давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигини нишонлаш арафасида муносиб совға бўлди, десак, муболаға эмас.

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, Давлат етакчилигининг узоқни ўйлаб олиб бораётган оқилона сиёсатининг яна бир амалии натижасидир. Президентимиз Олий Мажлисга йўлаган Мурожаатномасида энергетика соҳасини ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб, мазкур йўналишда амалга оширилаётган лойиҳа ва режаларни бирма-бир санаб ўтган эди. Хусусан, иқтисодий фаоллик ва аҳоли даромадлари ўсгани сайин, энергия ресурсларига бўлган талаб ортиб бориши, нефть-газ ва энергетика соҳаларидаги ислохотлар ва бошланган йirik лойиҳаларни якунига етказиш лозимлиги таъкидланган эди.

Чиндан ҳам, юртимизда энергетика соҳасини тубдан ислох қилиш масалаларида буткул янги тизим ташкил этиш бўйича Шавкат Мирзиёев раҳбарликларида сўнгги йиллар ичида қўллаб

Носиржон АМИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ХАЛҚ БИЛАН МАНЗИЛЛИ МУЛОҚОТ

аҳоли муаммоларини ҳал этишда муҳим кўприк вазифасини ўтаяпти

“Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори давлат органлари ишини ташкил этишининг, энг аввало, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, мамлакат миқёсидаги ҳамда ҳудудий дастурларнинг жойларда ўз вақтида ва сифатли бажарилишига имкон берувчи замонавий янги тизимнинг жорий этилишини таъминлади.

Шу асосда секторларга бўлиб ишни ташкил этиш

Сектор фаолиятига бир назар

Уй борнинг бахти бут

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, туман (шаҳар) прокурорлари раҳбарлигидаги секторларда уйма-уй юриш орқали аҳолини қўйлаб келган 6 минг 683 дан зиёд муаммолар аниқланган, бугунги кунга қадар уларнинг 5 минг 879 таси ихобий ҳал қилинди.

Хусусан, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг уй-жойларини таъмирлаш ва янгидан қуриб бериш орқали яшаш шароитлари яхшиланмоқда.

Жумладан, ўтган йили ва жорий йилнинг ўтган даврида 2-сектор раҳбарлари ташаббуси билан бешта эҳтиёжманд оила учун уй-жой қуриб берилди. Йигирмадан зиёд оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди.

Чунончи, Навоий шаҳрида ихорада истикомат қилиб келган Н. Юсуповага Кармана туманидаги Дўстлик маҳалласида ҳоимийлик маблағлари ҳисобидан янги уй қуриб берилди. Шунингдек, Навбаҳор туманида фуқаро С. Ҳақбердиевага янги уй-жой қуриб берилган бўлса, Қизилтепа туманида яшовчи кам таъминланган С. Парсаева ва М. Каромованинг авария ҳолатдаги тураржойлари янгидан қайта қуриб берилди.

Бундай мисолларни эса яна давом эттириш мумкин.

Томорка — даромад манбаи

Вилоятда ўз томорқасидан самарали фойдаланиб, даромад манбаига эга бўлган, бозор юқини енгиллаштираётган фуқаролар кўпчилигини ташкил этади.

Айни чоғда сув тақчиллиги туфайли томорқасидан фойдалана олмаётган хонадонлар ҳам мавжуд. Уларнинг ҳам ўз томорқа ерларидан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш мақсадида 2-сектор ҳудудидagi оқова сув етиб бориши қийин бўлган кам таъминланган оилаларнинг хонадонларига жами 315 миллион сўмлик 162 та қудуқ қазилиб, сув чиқариб берилди.

Мисол учун Кармана туманида оқова сув йўқлиги сабабли томорқасидан умумий фойдаланолмаётган юзта кам таъминланган оила хонадонига тик қудуқлар ўрнатилди. Шунингдек, Хатричда олпита, Навбаҳорда саккизта, Нуротда тўққизта, Қизилтепада ундан ортиқ ҳамда Қонимех туманида йигирмадан зиёд кам таъминланган оилаларга субсидия ва ҳоимийлик

механизми татбиқ қилингани халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишида муҳим кўприк вазифасини бажармоқда.

Ушбу тизим амалга киритилганидан сўнг Навоий вилоятидаги 2-сектор ҳудудида ҳам аҳолининг уй-жой коммунал ва йўл ҳўжалиги, энергия, сув ҳамда иссиқлик таъминоти, худудларни ободонлаштириш, бандлик, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги қўллаб муаммолар ўз ечимини топаётир.

Аёл борки, олам мунаввар

Секторлар фаолиятида ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити огир, ишсиз, касб-ҳунарга эга бўлмаган ёки ҳуқуқий-маънавий қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга манзилли кўмаклашиш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилинди.

Хусусан, ҳар бир шахс билан индивидуал ҳамда тизимли равишда мунтазам ишлаш мақсадида “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинмоқда.



Жумладан, шу йилнинг биринчи ярмида шаҳар ва туманлардаги иккинчи сектор ҳудудларида ўттиз ёшдан юқори бўлган аёллар билан бирма-бир мулоқот қилиниб, 3 мингдан зиёд хотин-қизлар тўққизта тоифага ажратилган ҳолда “аёллар дафтари”га киритилди.

Улар орасидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишлаш истагини билдирган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида касб-ҳунарга ўқитилди, 12,6 миллиард сўм миқдоридa кредитлар ажратилди, юзлаб аёлларга томорқасида ўз даромадига эга бўлишлари учун субсидиялар ажратилди.

Масалан, Учқудўк туманида “аёллар дафтари”га киритилган Ш. Норовага тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун

янги номдаги корхонани ташкил этишда кўмаклашилиб, 100 миллион сўм банк кредити олиб берилди. Бунинг натижасида яна тўрт нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Ёки Зарафшон шаҳрида яшовчи фуқаро М. Турдыева ҳам имтиёзли кредит ортдан гузалик салони ташкил этиб, тўртта янги иш ўрни яратди.

Олиб борилган шу каби амалий чора-тадбирлар боис минглаб хотин-қизлар “аёллар дафтари”дан чиқарилди. Айни чоғда эса дафтарга киритилган аёллар доимий эътиборимиз марказида турибди.

Эртанги кун умиди

Ёшлар — келажагимиз, уларни қийнаётган муаммоларини ҳал қилиш эса бизнинг асосий вазифаларимиздан бири. Шу пайтгача қарийб 6 мингга яқин йигит-қизлар “ёшлар дафтари”га киритилган бўлса,

уларнинг ҳар бири билан алоҳида иш ташкил этилган.

Сектор масъуллари ташаббуси билан уларнинг салкам ярми доимий ишларга жойлаштирилди. Қўллаб ёшларга кредит, ер ва субсидиялар ажратилди. “Устоз — шогирд” анъанаси доирасида ҳунармандларга бериштирилди. Элликдан зиёд талаба-ёшларнинг тўлов-контрактлари, уч нафарининг уй-жой ижараси тўлаб берилди.

Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, сифатли таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш, бўш вақти мазмунли ўтишини ташкил қилиш масаласи ҳам ҳар қачонгидан-да долзарб. Шу маънода, жорий йилнинг ўтган даврида йигирмадан ортиқ умумтаълим мактаб-



лари ҳамда қирққа яқин мактабгача таълим муассасаларида 1,4 миллиард сўмлик таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бунга мисол тарикасида Қизилтепа туманидаги 30-умумтаълим мактабини келтириш мумкин. Ушбу муассасанинг иситиш тизими ишдан чиққани аниқлангач, ҳоимийлик маблағлари ҳисобидан тўлиқ таъмирланиб, мавсумга тайёр ҳолга келтирилди.

Ёшлар орасида китобхонлиқни тарғиб этиш, уларнинг китоб мутлоаси учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида иккинчи сектор ҳудудида 6 мингдан ортиқ китоб фондига эга учта анъанавий ҳамда 43 та QR коди “электрон кутубхона” ташкил қилинди. Шунингдек, 126 та “Workout” майдончаси, 14 та спорт майдончаси янгидан қуриб битказилди.

Оила — жамият фаровонлигининг кўзгуси

Прокурорлар секторларида “темир дафтар”га киритилган 5 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилалар мавжуд бўлиб, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш орқали камбағалликдан чиқаришининг комплекс чоралари қўрилди.

Чунончи, ушбу оилаларнинг 6 минг нафардан ортиқ ишсиз аъзолари бандлиги таъминланди. Уларга моддий ёрдамлар кўрсатилиши ва бандлигини таъминлаш орқали “темир дафтар”дан чиқарилди. Фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишда тикувчилик цехлари ва текстиль корхоналари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Жумладан, ушбу йўналишда учта тадбиркорлик субъектига 358 миллион сўм кредит, 231 миллион сўм субсидия берилди. Яна шунча тадбиркорга бўш турган бинолар ажратилди. Бу орқали юзлаб янги иш ўрни яратилди.

Мисол учун Ҳозғон шаҳрида яшовчи М. Норбоевага касаначилик йўналишида “Ҳозғон чевар қизлари” ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этилишида ёрдам кўрсатилди, 122,5 миллион сўм субсидия ва 33 миллион сўм кредит ажратилди. Қолаверса, 9 миллион сўм ҳоимийлик маблағи ҳисобидан кооператив биноси ташмириланди. Натижада эллик нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Маҳаллада нима гап?

2021 йилдан бошлаб, маҳаллабай ишлаш тизими амалиётга жорий этилгани маҳалладаги мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда аҳолининг даромад манбаларини яратиш, уларни тадбиркорликка ихтисослаштириш, тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этилишига замин яратмоқда.

Бу борадаги ишларни ташкил қилиш мақсадида биринчи бўлинда прокурорлар секторидидаги мавжуд 72 та маҳаллага тижорат банкларининг 55 нафар малакали мутахассиси доимий вакил сифатида бириктирилди. Иккинчи бўлинда сектор қошида иқтисодий комплекснинг ҳодимларидан иборат 11 та “Бошқарув офиси” йўлга қўйилди. Учинчи бўлинда эса туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари бошчилигидаги мувофиқлаштирувчи гуруҳлар ташкил этилиб, ишлаб чиқилган “йўл хариталари”ни тасдиқлаш ва ижроси бўйича маҳаллий Кенгашлар олдида ҳисобот бериб бориш механизми амалиётда қўлланилмоқда. Маҳаллабай ишлаш тизими асосида прокурорлар секторидagi маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” — “драйвер”лари аниқлаб олинди.

Мисол учун Қизилтепа туманининг 2-сектор ҳудудидagi Ванғози, Қулолон, Оқмақт иш Бобод диёр маҳаллалари иссиқхона йўналишига ихтисослаштирилган бўлиб, улардаги жами хонадонларнинг 1 минг 455 таси шу соҳада меҳнат билан банд.

Икки сотихли иссиқхоналарда помидор, бодиринг ва қўклатар етиштирилиб, бир йилда ўртача 15 — 17 миллион сўмгача қўшимча даромад олинади. Маҳаллалардаги аҳолини ихтисослашув бўйича тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида 2-сектор ҳудудида истикомат қилувчи 3 минг 205 нафар фуқарога 73 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Прокурорлар ташаббуси билан маҳаллаларни ободонлаштириш, улар жойлашган биноларини таъмирлаш ва янги бинолар қуриш чоралари қўрилмоқда. Жумладан, иккинчи секторлардаги МФЙларнинг 56 таси ўз биносига эга бўлиб, 16 таси эса мактаб, коллеж ва бошқа ташкилотларга тегишли биноларда жойлашган. Барча МФЙ бинолари бирма-бир қўздан кенчирилиб, бугунги кунга қадар уларнинг 24 таси жорий таъмирланди, атроф-ҳудудлари ободонлаштирилди. Кармана туманидаги “Аллон”, Навбаҳордаги “Навакар”, Қонимех туманидаги “Юксалиш” МФЙ бинолари янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди, яна етти тасида қурилиш ишлари давом этмоқда.

Жиноятни фош этгандан, унинг олдини олган муҳим

Маҳаллалардаги криминоген вазият фуқаролар тинч ва фаровон ҳаёт кечир-

ишга бевосита таъсир кўрсатиши рост. Шу боис жиноятчилик сони юқори бўлган маҳаллалар танлаб олинди, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бўйича манзилли ишлар олиб боришмоқда.

Жиноятчиликни қўйи бўғинларда маҳаллабай тарзда жиповлаш мақсадида 1 миллиард 160 миллион сўм маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига маҳаллаларнинг ўзидa кузатиш имконини берувчи “Вазиятлар марказлари” ташкил қилинди.

Шу каби жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этиш эҳтимоли юқори бўлган 106 та объектга замонавий кузатув камералари ўрнатилиб, ҳолат доимий назоратга олинган.

Натижада ўтган қисқа фурсатда ушбу худудларда 15 та жиноят фосат этилди, 46 нафар шахснинг унутиб қолдирилган буюмлари ўз эгаларига етказилди, содир бўлган 87 та йўл-транспорт ҳодисаси бўйича жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар тезкорлик билан аниқланди.

Умуман айтганда, жиноятнинг биттаси ҳам қўқ. Шунинг учун маҳаллаларда но-хуш ҳолатларнинг олдини олиш, жиноятга қарши курашиш борасида тизимли ишлар давом этмоқда. Сектор раҳбарлари томонидан бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, қуниқ ҳолат таҳлил қилиб боришмоқда. Бу саяй-ҳаракатларнинг барчаси маҳаллаларда тинчлик-оқойишталикни ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Тадбиркорга мададкор юрт бу!

Фаолиятимизнинг яна бир муҳим йўналиши бор. Бу тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ.

Бу борада прокурор секторлари томонидан тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш борасида ижобий таъриба тўплаган.

Жорий йилнинг ўтган даврида сектор аралашув билан 1 минг 247 нафар тадбиркорнинг муаммоли масалалари ўз ечимини топди.

Уларнинг кредит, ер майдони ҳамда бино ажратиш, белгиланган тартибда рухсатнома бериш, муҳандислик тизимларига уланганини таъминлаш ва бошқа муаммолари ихобий ҳал этилди. Бунинг натижасида 470 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Масалан, “Изумдур туризм” оилавий корхонасига меҳмонхона бизнесини сотиб олиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳасини молиялаштириш учун тижорат банкидан 2 миллиард сўм кредит олишига кўмак берилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 23 июль кўни ўтказилган видеоселектор йўналишида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгилаш ташкил қилиш бўйича сектор раҳбарлирга аниқ топшириқлар берилган эди. Топширилган ижросини таъминлаш мақсадида ўтган бир ҳафта давомида 474 та мурожаат қайта ўрганилиб, илгари ечимини топпаган 295 та масала ижобий ҳал қилинди.

Фаолиятимиз билан боғлиқ бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

Бахтиёр АҲМЕДОВ, Навоий вилояти прокурори.

Дил сўзи

ВАТАНИМИЗНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ ЗАРВАРАҚЛАРИ

Бугун юртимизда байрам шукуҳи, одамларнинг кўзи ва юзида табассум. Зеро, бу йил барчамиз учун энг улуг ва энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини кенг нишонлаймиз. Айни чоғда ҳамюртларимиз қалбидаги шуқроналик ва қувонч бугунги фаровон турмушимиз асоси — истиқлол берган неъмат, қолаверса, давлатимиз раҳбари олиб бораётган одилона ислохотлар натижаси ҳамдир.

Айтиш жоизки, 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳамда учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишдек улувғор мақсадларга йўналтирилган савй-ҳаракатлар, шубҳасиз, Ватанимиз янги тарихи зарваракларига муҳрланади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсадлар жамиятимиздаги ислохотларни тубдан янгилашга асос бўлди. Давлат ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш йўналишларини белгилаб берди. Мамлакатни модернизациялаштириб, барча соҳага эркинлик ва шаффоқлиқ ҳамда адолат тамойиллари руҳини олиб кирди.

Кейинги беш йил ичида, хусусан, фан-таълим соҳалари тубдан қайта ислох қилинди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган барча ташаббус аниқлиги, стратегик аҳамияти ва улувғорлиги билан нафақат ҳамюртларимиз, балки халқро экспортлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Ислохотлар контекстида таълим ва фан соҳасига бўлаётган эътиборни алоҳида эътироф этиш жоиз. Чунки кейинги беш йил давомида барча турдаги таълим босқичларини тубдан такомиллаштириш бўйича Президентнинг бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ушбу тарихий ҳужжатларнинг барчаси амалий жиҳатидан ҳаётга яқинлиги билан ажралиб туради. Мактабгача ҳамда олий таълимнинг қамров кўрсаткичлари босқичма-босқич оширилмоқда. Бу ёшларнинг таълим ва тарбияга бўлган ҳаётий эҳтиёжини қондириш имкониятини кенгайтиряпти.

Биргина Тошкент вилоятида Чирчиқ давлат педагогика институтининг ташкил қилиниши, қисқа муддатда янги, замонавий услубдаги бинода йигирма минг нафарга яқин ёшларимизга олий маълумотли бўлиш имкониятининг яратилиши айтишга осон гаплар. Бундай имконият ва шароитдан мамлакатимиз ёшлари, хусусан, Тошкент вилояти ёшлари жуда мамнун. Президентимиз ва Ҳукуматимиз ёрдами билан Чирчиқ шаҳрида педагогик олий таълим кампуси яратилди. Унда талабаларнинг яшаб, таълим олишлари учун барча шарт-шароит мавжуд.

Амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятига эътибор қиладиган бўлсак, Юртбошимиз мамлакатимиз ёшларига халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўйбга чиқарадиган буюк ва қудратли ҳук сифатида қарамоқда. Ўс аявлодди ҳар томонлама баркамол воёга етказиш учун сарфланган сармоя эса жамият учун энг маънафатли сармоя ҳисобланади.

Шу боис мамлакатимизда кенг қулоқ ёйган беш муҳим ташаббус ва унинг доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган ҳаётбахш лойиҳалар ёш авлод вакиллари учун ҳар томонлама баркамол бўлиб тарбияланишида асос бўлаётди. Юртимиз ёшлари ҳам сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда гоят фаол.

Президентимиз ёшларимиздаги бу азму шижоатни юқори баҳолаб, бугунги кунда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда азму шижоатли йигит-қизларнинг ўрни ҳамда таъсири тобора ортиб бораётганини таъкидлаган эди. Институтимизда ҳам ана шундай ташаббускор, билимга чанқоқ ёшлар сафи тобора ортиб бормоқда. Бу бизнинг, давлатимизнинг ютуғи, албатта.

Бугун Ватанимиз тараққийига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган қўллаб-дават ва жамоат ташкилотлари ходимлари, нурунийлар, меҳнат фахрийлари, тадбиркорлар, ёшлар ва бошқа турли соҳа вакиллари давлат муқофотлари билан тақдирланди, уларнинг меҳнати кадр топди. Зеро, Ўзбекистон фидойиларини, меҳнаткаш халқини эъзозлайдиган юрт.

Шулар қаторида менинг ҳам камтарона меҳнатини эътироф этилди. Бу муқофотни институт жамоасига берилган мукофот, деб қабул қилиш. Энг асосийси, мазкур эътироф биздан янада кўпроқ ишлашга масъулият юклайди. Ўйлайманки, биз бир жамоа бўлиб, мамлакатимиз тараққийи йўлида бор имконият, билим, куч-ғайрат ҳамда салоҳиятимизни сафарбар этамиз.

Ғофуржон МУҲАМЕДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика институти ректори,
«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиб.

Миллий статистика тизими: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР ВА КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР



Мамлакатимиз тараққийетининг янги босқичида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида сўнгги йилларда миллий статистика соҳасини ривожлантириш юзасидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соҳани ислох қилиш, амалиётга халқаро стандарт ҳамда илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш ва энг асосийси, статистик маълумотларнинг ишончилиги, шаффоқлиги, очиклигини таъминлашга қаратилган ҳужжатлар ижросига алоҳида эътибор берилаяпти. Соҳада

Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига

Меърий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш — дастлабки йўналиш

Аёнки, ҳар қандай тизим самарадорлиги унинг меърий-ҳуқуқий асослари қай даражада мукамаллигига боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистика тўғрисида”ги Қонуни салкам 19 йил аввал қабул қилинган бўлиб, таҳлиллар унинг бугунги кун талаби ва халқаро тавсияларга тўлиқ мос келмаслигини кўрсатди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги янги қонуни ишлаб чиқилди. У яқинда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди.

Соҳа қонунчилигида 2020 йил 16 мартда қабул қилинган “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, у мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш ва унинг тизимли амалга оширилишини таъминлашнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди.

Мамлакат ҳаётидаги ушбу муҳим тадбирни юқори сифат билан ўтказиш юзасидан барча зарур чоралар қўрилмоқда. Республика миқёсида аҳоли ўртасида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Асосий тадбир 2023 йилга белгиланган, шу билан бирга, 2021 йилда Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида синов тарихида аҳолини ялпи рўйхатга олиш ўтказилиши режалаштирилган.

Умуман олганда, мазкур тадбирни ўтказиш орқали аҳоли ва унинг турмуш тарзига доир муҳим социал қўрсаткичларни аниқлаш имкониятига эга бўлинади.

Яна бир муҳим ҳужжат, бу — Президентимизнинг 2020 йил 3 августдаги қарори билан тасдиқланган “2020 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси”.

Стратегия доирасида ташкилий-ҳуқуқий, статистик инфратузилмани такомиллаштириш, фойдаланувчилар ва етказиб берувчилар ўртасида самарали мулоқот ўрнатиш, ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, алоҳида статистик йўналишлар, тармоқ ҳамда ҳудудлар статистикасини такомиллаштириш, тизимда кадрларни тайёрлаш каби масалалар муҳим йўналишлар сифатида белгиланган. Уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича 86 банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқланган.

Халқаро андозаларга мос методология

Мазкур йўналишда асосий эътибор халқаро андозалар ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда статистик методологияни такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Жумладан, бугунги кунда умумий ҳисобда 200 дан зиёд статистик услубиётлар мавжуд бўлиб, шулардан 111 таси охиригўрт йилда, 8 таси эса 2021 йилда қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди. Бундан ташқари, сўнгги тўрт йил ичида 26 та, шу йилнинг ўтган даврида эса 4 та статистик услубиёт такомиллаштирилди.

Маълумот учун:

Халқаро таққослашлар дастури 5 йиллик раундларда амалга оширилади ва унда йил давомида умумбелгиланган олинган товарлар ва хизматлар рўйхати асосида дастурда иштирок этувчи давлатлар томонидан ўтказилган кузатув натижалари ёрдамида миллий валютанинг харид қобилияти паритети аниқланади. Мазкур дастурларни мувофиқлаштириб бориш ишлари ҳудудий, халқаро ташкилотлар, хусусан, МДҲ ҳудудида МДҲ Давлатлараро статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, инфляция даражасини ҳисоблаш ва мониторингини

юритиш борасида ишларни халқаро андозаларга мослаштириш мақсадида янги методика ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Хусусан, 2018 йилдан бошлаб инфляцияни баҳолаш ишлари БМТ Статистика бўлими ва Халқаро валюта жамғармаси тавсиялари асосида ўзгармас вазнларда амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Ўзбекистоннинг 2021 йил маълумотлари бўйича халқаро таққослашлар дастурида иштирокчини таъминлаш ва натижалари асосида миллий валютанинг харид қобилияти паритетини аниқлаш масаласида муҳим қадам қўйилди.

Бундан ташқари, статистика кузатувларини такомиллаштириш ва содда-лаштириш ҳамда ҳисобот шаклларини қисқартириш орқали ҳўжалик юритувчи субъектлар учун ҳисобот юкламасини пасайитириш юзасидан зарур ишлар бажарилди.

БМТ томонидан тавсия этилган “Миллий ҳисоблар тизими — 2008” талабларини амалиётга тўлиқ жорий қилиш, шунингдек, мамлакат ялпи ички маҳсулоти кўрсаткичларида “яширин иқтисодиёт” ҳажмларини қамраб олиш касбидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Очиклик ва шаффоқлик — асосий мезон

Айтиш жоизки, мазкур йўналишда статистика соҳаси бўйича Президент томонидан қабул қилинган бир қатор қарор ва фармойишлар тўб бўрилиш даврини бошлаб берди. Жумладан, одатий жадвал кўринишида тақдим этиладиган статистик маълумотлардан ташқари пресс-релизлар кўринишида таҳлилий-статистик маълумотларни тайёрлаш ва тарқатиш амалиёти жорий этилди.

Маълумот учун:

бугунги кунда Халқаро валюта жамғармасининг маълумот алмашинуви борасида 3 та тизим (КМТУТ, МТМС ва МТМС+) мавжуд бўлиб, улар мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини намоён қилувчи асосий манба ҳисобланади. Тизимлар доирасида асосий иқтисодий, молиявий ва айрим ижтимоий кўрсаткичлар белгиланган талаблар асосида эълон қилиб борилади.

Халқаро андозалар ва илғор хорижий тажрибаларни чуқур ўрганган ҳолда чоп этиладиган статистик нашрлар сифат ва ҳажми жиҳатидан тубдан янгиланди. Мунтазам эълон қилинадиган статистик нашрлардан ташқари “Ўзбекистон Республикасида миллий БРПга эришишнинг статистик кўрсаткичлари”, “Ўзбекистонда илм-фан ва инновацион фаолият”, “Ўзбекистонда ахборотлашган жамият ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” каби янги статистик тўпламлар чоп этилди.

Шунингдек, 2019 йилдан бошлаб илк бор республикаимиздаги барча туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисидаги ахборотнома тўплами (шаҳар/туманлар паспорти)ни нашр қилиш ва тарқатиш амалиёти татбиқ этилди.

Мамлакатда очиклик ва шаффоқлик борасида қўйилган муҳим қадамлардан яна бири, бу — 2018 йилнинг май ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта жамғармасининг “Кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими”га (КМТУТ) уланилганлигидир.

Мазкур тизим доирасида маълумотларни фойдаланувчиларга етказишни тизимлаштириш ва қулайлик яратиш мақсадида сўнгги илғор тажрибалар асосида “Йиғма маълумотлар миллий саҳифаси” ишга туширилиб, унда 24 та категория бўйича 422 та индикаторлар тўплами мунтазам эълон қилиб борилади ва бу мамлакатнинг халқаро даражада нуфузини оширишга, унинг иқтисодий куч-қудратини намоён этишга ва инвестицион оқимларни жадаллаштиришга хизмат қилади.

сўнгги тўрт йил мобайнида амалга оширилган ислохотлар натижалари кенг жамоатчилик, шу жумладан, халқаро статистика ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда миллий статистика тизимини тараққий эттириш, унинг фаолиятини халқаро андозаларга мослаштириш юзасидан бажарилган ишлар ва истиқболдаги режаларни қўйидаги асосий йўналишларда кўриш мумкин.



Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бугунги кунда БМТ Статистика бўлими, МДҲ Давлатлараро статистика қўмитаси, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЮНФПА, ЮНЕСКО, ФАО, ХЭА, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси сингари 16 та халқаро ташкилотнинг статистика бўлимлари томонидан ишлаб чиқилган 45 турдаги саволномаси асосида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир муҳим статистик кўрсаткичлар етказиб берилиши йўлга қўйилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудиди 726 та маҳалладан ташлаб олинган 14 минг 520 та хонадонда мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш ишлари бошланди. Мазкур кузатув натижалари асосида 2021 йил якуни билан оналар ва болалар турмуш тарзига оид шаклланган долзарб статистик маълумотлар миллий ва халқаро ахборот маконида эълон қилинишига эришилди.

Бундан ташқари, ахборот тарқатишнинг муҳим манбаи ҳисобланмиш электрон ресурс, яъни қўмитанинг расмий веб-сайтида долзарб статистик маълумотлар қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада қўмитанинг янгиланган расмий веб-сайтида “Расмий статистика” руқни ишга туширилиб, бугунги кунда унда 25 та бўлимда 250 дан зиёд маълумотлар тўпламлари — 2 миллиондан зиёд статистик кўрсаткичлар уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз) фойдаланувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Маълумот учун:

Мультииндикатор кластер кузатувлари БМТнинг ЮНИСЕФ болалар жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган халқаро ўй ҳўжаликлари сўрови бўлиб, у жаҳон амалиётида болалар ва аёллар ҳолатини баҳолаш учун ахборотларнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Мазкур кузатув 5 йиллик раундларда амалга оширилиб, ҳозирда дунё бўйича 6-раунди ўтказилмоқда.

Халқаро даражада умумэтироф этиладиган, очикликнинг асосий мезонларидан бири — “Очик маълумотлар миллий портали” фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳам тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. “Фейсбук” ва “Инстаграм” ижтимоий тармоқларида қўмитанинг саҳифалари очилиб, Телеграм мессенжерига алоҳида гуруҳлар ташкил этилди. Булардан қўзғалган асосий мақсад — долзарб бўлган таҳлилий-статистик маълумотларни тушунарли тарзда фойдаланувчиларга тезкорлик билан етказиш.

Бундан ташқари, кенг жамоатчиликнинг тизимда амалга оширилаётган ислохотлардан хабардорлигини ошириш, уларнинг эҳтиёж ва тақлифларини ўрганиш мақсадида мунтазам равишда етакчи олий ўқув юрларида давра суҳбатлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан брифинглар, семинарлар, матбуот анжуманлари ва учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.

АКТ ва рақамли технологиялар давр талабига айланмоқда

Бугунги кунда ҳаётни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун статистика соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда илғор АКТни жорий этиш, статистик жараёнларни автоматлаштириш ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Танланма статистик кузатувларни планшет қурилмалардан фойдаланган ҳолда ўтказиш учун 12 та ахборот тизими ишлаб чиқилди ва Интернетал мўлк агентлигидан рўйхатдан ўтказилди. Лойиҳа доирасида бозор нархи, хизматлар, транспорт, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва савдо соҳасидаги барча кузатув маълумотларини мобиль қурилмалар (планшетлар) ёрдамида тўплаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Статистик ҳисоботларни интернет орқали топширишга мўлжалланган “eStat 4.0” ахборот тизими ишга туширилди. Мазкур ахборот тизимида ҳисоботларнинг онлайн мантикий назорат механизми жорий этилди ва ҳисоботларни шакллантириш ва юборишга кетадиган вақт 10 баробар қисқартирилди.

Маълумот учун:

«Статистика салоҳияти индекси» Жаҳон банки томонидан 2004 йилда ишлаб чиқилган. Мазкур индекс 154 та мамлакатнинг статистик салоҳиятини, ушбу йўналишда эришяётган ютуқларини ва миллий статистика тизимини ривожлантириш борасида олиб бораётган ислохотлари натижаларини оқс эттироди.

Статистик маълумотларни фойдаланувчиларга тезкор ва қулай шаклда тақдим этиш мақсадида, Давлат статистика қўмитасининг “stat.uz” расмий веб-сайти Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда янгитдан ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.

Натижалар — халқаро рейтинг ва индексларда

Юқоридаги йўналишлар бўйича натижалар кенг жамоатчилик, шу жумладан, халқаро статистика ҳамжамияти ва нуфузли ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, Лондондаги Очик маълумотлар институти (ODI) баҳолаш тизими бўйича “кумуш” даражага, Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти (stat.uz) энг юқори — “платина” даражага эришган. БМТнинг “Электрон ҳукумат кузатуви — 2020”да “Очик давлат маълумотлари индекси” бўйича Ўзбекистон энг юқори (Very High OGI) кўрсаткичга эга бўлган жаҳоннинг 41 та мамлакати орасидан жой олди. Таъкидлаш жоиз, ушбу индексда жами 193 та мамлакат баҳоланган ҳамда Ўзбекистон энг юқори балл тўплади.

Шу билан бирга, Очик маълумотлар рейтингига (Open Data Inventory — ODIN) Ўзбекистон Республикаси 63 балл тўплади ва рейтингда 125 та позицияга кўтарилиб, дунёда 44-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.



Бундай кенг қўламли вазибалар ижроси, шубҳасиз, мамлакатимизда замонавий талаб ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берувчи, тараққий этган илғор миллий статистика тизимини шакллантиришга, халқаро рейтинг ва индексларда, хусусан, Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси”даги кўрсаткичларимизни, шу асосда тузиладиган рейтингдаги позициямизни яхшилаб боришга муқтаҳам замин бўлади.

Бундан ташқари, мамлакатлар статистика идораларининг фаолиятини халқаро даражада баҳолаш бўйича муҳим рейтингда, яъни Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси”да ҳам Ўзбекистонимиз кўрсаткичлари ўсиб бормоқда.

Қисқача айтганда, сўнгги тўрт йил давомида амалга оширилган ишлар, пировардида 2020 йил якуни бўйича мамлакатимиз Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси”да максимал 100 баллдан 67,8 баллни қўлга киритиб 61-ўринни эгаллашга, рейтингда 2016 йил ҳисоботида нисбатан 62 поғона, 2019 йил ҳисоботида нисбатан эса 16 поғона кўтарилишига олиб келди.

Истиқболда қандай ишлар амалга оширилади?

Қайд этилган йўналишлар бўйича тизим олдида белгилаб берилган вазибалар ижросини таъминлаш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун умумлаштирилган ҳолда келгусида қўйидаги муҳим йўналишларда тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

■ тизим фаолиятига сифатни бошқаришнинг илғор тизимларини (GSIM, GSBPM, GMSO ва NQAF) тўлиқ жорий этиш;

■ БМТ, халқаро статистика ташкилотлари тавсиялари ва илғор хорижий тажрибалар асосида статистика соҳасидаги услубиётни мунтазам такомиллаштириб бориш;

■ 2021 йилда 4 та ҳудудда синов тарихида ҳамда 2023 йилда республика бўйича ялпи аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш;

■ қишлоқ ҳўжалигини ва бизнесни рўйхатга олиш тадбирларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, пухта тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш;

■ халқаро таққослашлар дастури доирасида миллий валютанинг харид қобилияти паритетини аниқлаш ва эълон қилиш;

■ Халқаро валюта жамғармасининг Кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимидан (КМТУТ) “Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарти”га (МТМС) ўтиш;

■ 2021 йил якунига қадар Мультииндикатор кластер кузатувлари (МИКС) ўтказиш ва уларнинг натижаларини қўмитанинг расмий сайти ва ЮНИСЕФнинг ахборот базасида эълон қилиш;

■ “Очик маълумотлар миллий портали”ни фойдаланувчилар эҳтиёжларини тўлиқ таъминловчи юқори сифатли маълумот тўпламлари билан домий тўлдириб бориш;

■ бугунги кун талабларига жавоб берадиган замонавий Медиа-марказни ишга тушириш;

■ “Статистика” интеграллашган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш орқали давлат бошқаруви органларининг ахборот тизимларини босқичма-босқич интеграциялаш;

■ кенг жамоатчилик, шу жумладан, республиканинг етакчи олий ўқув юрлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувларни тизимли асосда ўтказиб бориш;

■ Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси”даги Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичларини босқичма-босқич яхшилаб бориш.

Баҳодир БЕГАЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



“ЎЗКИМЁСАНОАТ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

халқимизни Мустақиллигимизнинг

30 йиллиги муносабати билан

қизғин муборакбод этади!

Мамлакатимиз равнақи

ва фаровонлиги йўлида

амалга ошираётган

эзгу ишларингизда

улкан зафарлар тилайди.

Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик
ва саодатли кунларимиз бардавом бўлсин!



ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедра мудири, катта ўқитувчи ва
ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади:

Кафедра мудири:

1. Бошланғич таълим методикаси кафедраси.
2. Рақамли иқтисодиёт кафедраси.
3. Молия ва рақамли ахборот технологиялари кафедраси.
4. Тарих ва фалсафа кафедраси.
5. Табиий фанлар кафедраси.
6. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси.

Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг доктори (PhD) илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган, бироқ камида 5 йил методик, илмий-педагогик, ижодий ва ташкилий фаолият тажрибасига эга бўлган шахслар қатнашиши мумкин.

Кафедраларнинг катта ўқитувчи ва ўқитувчи лавозимларига қуйидаги ўринлар мавжуд:

Олий математика кафедраси: катта ўқитувчи 1 нафар, ўқитувчи 1 нафар.

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси: катта ўқитувчи 1 нафар, ўқитувчи 1 нафар.

Мактабгача таълим кафедраси: катта ўқитувчи 1 нафар, ўқитувчи 1 нафар.

Хорижий тил ва адабиёти кафедраси: катта ўқитувчи 1 нафар, ўқитувчи 1 нафар.

Рус тили ва адабиёти кафедраси: катта ўқитувчи 1 нафар, ўқитувчи 1 нафар.

Бошланғич таълим методикаси кафедраси: катта ўқитувчи 1 нафар, ўқитувчи 1 нафар.

Рақамли иқтисодиёт кафедраси: катта ўқитувчи 1 нафар, ўқитувчи 1 нафар.

Молия ва рақамли ахборот технологиялари кафедраси: катта ўқитувчи (информатика) 1 нафар, ўқитувчи (молия) 1 нафар.

Тарих ва фалсафа кафедраси: катта ўқитувчи 1 нафар, ўқитувчи 1 нафар.

Табиий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи 1 нафар, ўқитувчи 1 нафар.

Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган (магистр дипломи мутахассис, шунингдек, илмий даража, шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (PhD) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий унвон) ҳамда бундай даражага ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга шахслар ҳам қатнашиши мумкин.

Ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга шахс (магистр дипломи мутахассис) қатнашиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши шарт:

- ректор номига ариза;
- паспорт нусхаси;
- маълумотнома (объективка);
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси;
- илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва иштиролар мавжуд бўлган тақдирда, уларга тегишли дипломлар, аттестатлар нусхалари;
- илмий ишлар рўйхати;
- малака оширишнинг тўғрисидаги гувоҳномалар.

Изоҳ: ҳужжатлар институт расмий сайтида эълон берилган кундан бошлаб бир ой мuddатда тўғридан-тўғри ва онлайн қабул қилинади.

Манзил: Денов тумани, Ш. Рашидов кўчаси, 360-уй. Денов тадбиркорлик ва педагогика институти маъмурияти.
Ходимлар бўлими телефон рақамлари: (91) 9669464, (90) 5202102.



DEHQONOBOD
KALIY ZAVODI

«Деҳқонобод
калий заводи»
акциядорлик жамияти
жамоаси



юртдошларимизни
жонажон Ватанимиз
Мустақиллигининг
30 йиллик байрами билан

самимий табриклайди!

Оилангизга тинчлик,

хотиржамлик,

мустаҳкам соғлиқ ва

саломатлик тилайди.

Юртимиз гуллаб-яшнайверсин,

Янги Ўзбекистонни барпо қилиш

йўлида қўлни қўлга берайлик.



«Микрокредитбанк» акциядорлик
тижорат банки жамоаси

Сизни барчамиз учун энг улуг ва энг азиз байрам
бўлган Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг 30 йиллик шодиёнаси билан
чин юракдан қутлайди!

Сиз ва оилангизга сиҳат-саломатлик, омад ҳамда
муваффақиятлар тилайди.

Азиз ва жонажон Ўзбекистонимиз
тинчлиги бардавом бўлсин.



Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 300 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлаб-қўйилган тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун бўлуни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.10 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6